


Ормондор 2018

Boqiy fikr

Xalqlar madaniyat va ma'naviyat borasida bir-birlarini qanchalik yaxshi tushunsa, iqtisodiy aloqalar ham shunchalik tez rivoj topadi.

Islom KARIMOV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 28-oktabr, shanba № 86 (9047)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 октябрь кuni Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг ташириғига биноан мамлакатимизга таширф буюрган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Rogозинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, олий ва юксак даражадаги мунтазам ва самарали мулоқотлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамланишига, шунингдек, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилаётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат таширфи, шунингдек, икки давлат раҳбарларининг 10 октябрь кuni Сочи шаҳрида МДХ саммити доирасида ўтган учрашувлари мамлакатларимиз ўртасида узоқ истиқболга мўлжалланган ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда савдо ҳажми барқарор суръатларда ўсиб бормоқда, Россиянинг етакчи компания ва банклари билан ҳамкорликда Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть-газ мажмуаси, металлургия, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа тармоқларида йирик сармовий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Минтақалар ўртасида ва бизнес соҳасида ўзаро ҳамкорлик янада фаоллашди. Самарали маданий-гуманитар алмашув кенгайиб бормоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармовий ҳамда харбий-техник ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз етакчи корхона ва компаниялари ўртасида истиқболли қўшма дастур ва инновация лойиҳаларини жадал ривожлантиришга қаратилган санот кооперациясини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Дмитрий Rogозин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг самимий ва эзгу тилаklarини етказди.

Россия Ҳукумати раиси ўринбосари Россия Федерацияси Ўзбекистон билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳидаги кенг қўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр ва бундан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислиғида 27 октябрь кuni хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини янги сифат даражасига кўтариш, хусусийлаштирилган тадбиркорлик субъектларини самарали қўллаб-қувватлаш борасида амага оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, Бош вазир ўринбосари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Давлат хизматлари кўрсатишнинг тўғридан-тўғри замонавий интерактив шакллари жорий этилмоқда. Давлат органлари билан ишбилармонлар ўртасида ти-

зимли мулоқот йўлга қўйилган. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил қўллаб-қувватлаш бўйича ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик

субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш истиагини билдирган аҳоли вакилларига ҳар томонлама кўмак бериш бўйича долзарб вазифалар белгиланган.

Президентимиз вилоятларга таширф чоғида хусусийлаштирилган корхоналар эгалари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланмаётгани, корхоналарни узоқ муддатли ривожлантириш билан шуғулланмаётгани, ихтисослашган ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилмаётгани, маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга замонавий технологиялар жорий этмаётганини танқид қилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯГА ДАВЛАТ ТАШИРФИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат таширфи хорижий оммавий ахборот воситалари эътиборида бўлди. Журналистлар ва экспертларнинг фикрича, мазкур давлат таширфи тарихий аҳамиятга эга ва Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги принципиал ўзгаришлардан далолат беради. Давлат таширфи давомида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм, транспорт, логистика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинган таъкидланган.

TPT телеканал (trt.net.tr)нинг хабар беришича, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғун Тошкент ҳар томонлама стратегик аҳамиятга эга ҳамкор экани, аҳолиси 32 миллион бўлган Ўзбекистон табиий газ захираси бўйича дунёда еттинчи ўринда, уран захираси бўйича тўртинчи, пахта етиштириш бўйича олтинчи ва унинг экспорти бўйича иккинчи ўринда туришини таъкидлаган. Шунга қарамаздан, икки томонла-

ма иқтисодий муносабатлар кўлами куттилган даражада эмас, 2016 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,2 миллиард долларни, жорий йилнинг саккиз ойида эса 900 миллион долларни ташкил қилган.

Туркия Президенти туркий ва ислом цивилизацияси икки қадимий ўчоғининг маданий яқинлашуви катта аҳамиятга эга эканини қайд этган. Икки давлат идоралари раҳбарларига ўзаро ҳам-

корликни юксак даражада ривожлантириш вазифаси топширилгани, Ўзбекистон ҳам яқинлашув учун худди шундай қатъият кўрсатаётганидан мамнун экани, Имом Бухорий ва Имом Мотуридидий институтларининг самарали фаолият юритишига ишонини таъкидлаган.

Марказий Осиёнинг sa-news.org янгиликлар хизмати Туркия Президентининг давлат раҳбарлари даражасидаги учрашуви 20 йиллик танаффусдан сўнг ташкил этилгани, шу боис таширф жуда муҳим аҳамиятга эгалиги, делегациялар ўртасидаги музокаралардан аввал Шавкат Мирзиёев билан тор доирада мулоқот қилингани ва у жуда самарали бўлгани ҳақидаги сўзларни келтирган. (Давоми 2-бетда.)

Газетани тарғиблаганд. Халқимизнинг ардоқли фарзанди. Мактабда арузни ўрганиш муаммолари. Бугун ўзида куч толган ижодкоргина ахён-ахёнда арузга мурожаат қилади. Шундай шароитда мактаб ўқувчисига қандай қилиб арузни содда ва лўнда тушунтириш мумкин? 3-бет

Мектабда арузни ўрганиш муаммолари. Бугун ўзида куч толган ижодкоргина ахён-ахёнда арузга мурожаат қилади. Шундай шароитда мактаб ўқувчисига қандай қилиб арузни содда ва лўнда тушунтириш мумкин? 8-9-бетлар

Истеъдодсиз бола йўқ, аммо... 11-бет

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУХИМ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда хусусийлаштирилган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиқ, иқтисодиёт ва статистика органлари билан биргаликда мунтазам таҳлил қилиб бориш, фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарни, бўй ётган ва самарасиз фойдаланилаётган объектлар ҳамда ер участкаларини аниқлаш ишлари тизимли йўлга қўйилган.

Бу борада илгари хусусийлаштирилган қарийб 40 минг объект ўрганилиб, уларнинг 3 минг 900 таси бўш тургани ёки тўлиқ ишлатилмаётгани аниқланган. Ушбу объектларнинг 2 700 таси фаолиятини қайта тиклаш ёки улар негизда янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этиш бўйича лойиҳалар ва «йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳалар доирасида 2,7 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 25 мингдан орტიқ иш ўрни яратилди. Бугунги кунгача 420 корхона фаолияти қайта тикланди, йил якунигача яна 1 800 объектида ишлаб чиқариш жараёни йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Йиғилишда давлат қўмитаси томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинар экан, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш, янги иш ўринлари яратиш, рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш, коммуникация тармоқларига уланиш ва тижорат банкларидан кредит ажратилишида уларга кўмаклашиш мақсадида хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантиришнинг «йўл харитаси»-

ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича қилинаётган ишлар қониқарсиз, деб баҳоланди.

Мутасаддиларга мулк эгалари билан биргаликда ишламай турган 1 минг 200 объект фаолиятини тиклаш ва ривожлантириш юзасидан лойиҳалар ва «йўл харитаси» ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишнинг таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар кўриш юзасидан топшириқлар берилди.

Жорий йилда 408 давлат объекти хусусий мулкдорларга сотилган. Уларнинг 278 таси 1,6 триллион сўмлик инвестиция киритиш ва 10 мингдан орტიқ иш ўрни яратиш шарти билан «ноль» қийматида берилган.

Бугунги кунда яна 388 давлат объекти сотувга қўйилган бўлиб, уларнинг 161 тасини «ноль» қиймат бўйича бериш режалаштирилган.

Йиғилишда хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий-иқтисодий аҳволини мониторинг қилиш, уларни кредит ва моддий ресурслар билан таъминлаш, мавжуд муаммолар ва уларнинг сабабларини аниқлаш, муҳандислик ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклаш, бозор топшида тadbirkorларга амалий кўмак бериш масалаларига давлат идоралари томонидан етарлича эътибор қаратилмаётгани таъкидланди.

Рақобат муҳити ва қимматли қўғозлар бозорини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, берижа фаолиятини лицензиялаш, замонвий кадрларни тизимли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, соҳага энг ривожланган давлатлар тажрибасини татбиқ этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Президенти миз Шавкат Мирзиёев мавжуд камчиликларни бартаф этиш, истиқболга белгиланган вазифалар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувда музокаралар ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар эса икки мамлакат ўртасидаги узоқ истиқболли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

«Миллиет» (milliyet.com.tr) номи турк нашри Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Анқара ва Тошкент ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этган.

«Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга қарийб бир йил олдин киришди. Халқро кузатувчилар хулосасига кўра, Ўзбекистон сўнгги 10 йил давомида Марказий Осиё ҳамда Евроосиёнинг энг жадал ривожланаётган давлатига айланади, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулоти шиддатли суръатларда ўсади», деди Туркиянинг Каппадокия университети ўқитувчиси, профессор Ҳасан Али Қарасар «Анадўлу» агентлигига берган интервьюсида.

Экспертнинг фикрича, икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳозиргача кутилган даражада эмас, лекин давлат раҳбарлари бунга эришиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Профессор икки мамлакат Президентлари Самарқанд, Пекин, Остона ҳамда Нью-Йоркда бўлган кенг кўламли халқро тadbirkorлар доирасида учрашувлар ўтказганини таъкидлаган. Бу эса Туркия ва Ўзбекистоннинг келгусида ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришини билдиради.

Профессор икки мамлакат ўртасида нафақат ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, балки туризм, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати ва авиация соҳаларида ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ишлар режаси атрофида ишлаб чиқилганини қайд этган. «Шунинг учун Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи кат-

та аҳамият касб этади, дея оламан. Бу ташрифни тарихий деб ҳисоблаймиз, зеро, у ўзаро муносабатларнинг келгуси 5-10 йиллик истиқболларини белгилаб берди», деган Ҳасан Али Қарасар.

365info.kz ахборот-таҳлил портали Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи ҳамда музокаралар якунида имзоланган шартномалар ҳар икки мамлакат иқтисодий ривожига жиддий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди. Сайт таҳлилчиларининг фикрига кўра, Тошкент ва Анқара учун иқтисодий ҳамкорлик масаласи биринчи даражада аҳамият касб этади. Туркия Ўзбекистоннинг аънаванавий ва муҳим савдо шерикларидан биридир. 2000—2016 йилларда ўзаро савдо ҳажми етти баробар ошган.

Икки мамлакат авиакомпаниялари биргаликда парвозлар сони ва худудини мунтазам кенгайтирган ҳолда фаол ҳамкорлик қилишмоқда. Масалан, Самарқанд ва Истанбул шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри парвозларни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди. Шу муносабат билан Туркиянинг Ўзбекистон бозорига кирадиган сармоядорлари ва компаниялари сафи кенгаймоқда. Интернет нашр Туркиянинг қатор сармоядорлари Ўзбекистонда электротехника, озиқ-овқат, тўқимачилик, чарм-поябзал ва фармацевтика соҳалари, қурилиш материаллари саноатида қўша корхоналар очишга тайёргарлик кўрмоқда, деб ёзган.

Озарбайжоннинг «Янги давр» интернет газетаси (yenicag.ru) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Анқарада юксак эҳтиром билан олий даражада кутиб олишганига алоҳида эътибор қаратган. Туркия Республикаси Президенти саройида Ўзбекистон раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортган. Икки давлат Президентлари музокараларидан сўнг журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Экспертлар Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи ғоят самарали бўлганини таъкидлаган. Ўзбекистон раҳбарининг Туркияга давлат ташрифи натижасида

икки мамлакат стратегик шерикка айланади, деб ҳисоблаш мумкин.

«Спутник» янгиликлар портали (ru.sputnik-tj.com) Шавкат Мирзиёев ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи бўлган кезлардаёқ Туркия билан алоқаларни фаоллаштиришга киришганини таъкидлаган. 2016 йил ноябрь ойида Самарқандда Режеп Таййип Эрдоғон билан бўлиб ўтган музокараларда томонлар икки давлат ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишга келишиб олган.

Бундан ташқари, транспорт коммуникацияларининг транзит салоҳиятини ривожлантириш, хусусан, икки давлатни бир-бири билан боғлайдиган тўғридан-тўғри транспорт йўлга бўлайдиган «Боку – Ахалкалаки – Қарс» темирйўл линиясига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналиши сифатида туризм қайд этилган. Хусусан, Туркия компаниялари Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида замонвий меҳмонхона мажмуалари қуриш, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш ва соҳа учун мутахассислар тайёрлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқмоқда.

«Ўзметроном» ахборот портали (uzmetronom.com) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркияга давлат ташрифи, Шавкат Мирзиёевнинг қўшни мамлакатлар билан яқинда ўтказган музокаралари каби Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида амалга оширилаётган ўзгаришлардан яна бир далолат беради, деб таъкидлаган.

Икки томонлама сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг холис тамойиллари Ўзбекистон учун ниҳоятда қисқа муддатда нафақат қўшни, балки узоқ хорижий мамлакатлар билан ҳам ўзаро ишончли тиклаш имконини берди. Расмий Тошкент шерикларига барча соҳаларда ўзаро манфаатли асосда, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда кенг кўламли ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирмоқда.

ЎЗА

2017-yil 28-oktabr, № 86 (9047)

islamkarimov.uz, islomkarimov.uz САЙТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасининг расмий сайти — islamkarimov.uz, islomkarimov.uz иш бошлади.

Сайтдаги материаллар ўзбек, инглиз ва рус тилларида тақдим этилган.

Сайт «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий қилиш маркази мутахассислари кўмагида ишлаб чиқилган.

Сайт интернет фойдаланувчиларига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти билан батафсил танишиш учун қулай имконият тақдим этган.

Манбада Ислам Каримовнинг таржимаи ҳоли, давлат мукофотлари, асарлари, Ватанимиз мустақиллиги соломаси, жамият ва давлат ҳаётининг турли жабҳаларидаги ўзгаришлари ва ислохотлар билан танишиш мумкин.

«Хотиралар» бўлими Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг сўзлари билан бошланади: «Ислам Каримов кучли ва ёрқин шахс сифатида хотирамизда муҳрланиб қолган. Нафақат мен, балки у билан таниш бўлган бошқа кишилар ҳам унинг ўта кучли хотираси, доимо ўз сўзида туриши, нутқларида кўзда тутилган аниқ вазиятлар, истиқболларга ҳолис баҳо бериш қобилиятини юксак баҳоладим».

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Ўткир Раҳмат «Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт-

нинг «Ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз». Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан айтилган бу сўзларда чорак асрлик мустақил тараққиёт давомида Ўзбекистоннинг буюк фарзанди, бутун ҳаёти ва бор куч-ғайратини тўлалигича Ватан хизматида бахшида этган, ўз халқини жондан севган Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар эътирофи ўз ифодасини топган», деб таъкидлайди.

Сайтда, шунингдек, медиатека мавжуд бўлиб, у орқали фото ва видеогалерея материаллари билан танишиш мумкин.

Виртуал саёҳат Тошкентдаги Ислам Каримов ҳайкали ва унинг атрофидаги ҳудудлар билан танишиш имконини беради.

Сайт фойдаланувчилари мустақил Ўзбекистон тарихи ҳақида қўллаб қизқарли маълумотларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ўз фаолиятини Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди билан яқин ҳамкорликда амалга оширмоқда. Бу ҳақидаги маълумотни ҳам мазкур сайтдан топиш мумкин.

УЗА

Sharof Rashidov tavalludining 100 yilligi oldidan

Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Жиззах вилоятда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, барча туман ва шаҳарларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.



Халқимизнинг ардоқли фарзанди

Халқимизнинг ардоқли фарзанди таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик доирасида унинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ёдгорлик мажмуалари барпо этилиши ва шу асосда амалга оширилган ишлар у туғилиб вояга етган ҳудуд қиёфасини ўзгартириб юборди. Бугун Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов номи билан аталадиган туманда халқимиз ўзининг содиқ фарзандига кўрсатаётган катта ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида ёдгорлик мажмуалари, қадамжолар пайдо бўлди.

Собиқ Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилиб, икки ой муқаддам туман марказида унинг бюсти ўрнатилган эди. Айни пайтда Жиззах шаҳрида барпо этилган Шароф Рашидов хотира хиёбонида, мемориал уй-музейида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Вилоят марказининг эски шаҳар қисмида 6,4 гектарлик хиёбон қурилиши, реконструкция ишлари бажарилиши давомида ҳудуд гоёт хушманзара, ўзига хос меъморий кўринишга, миллий, тарихий масканга айланди. Хиёбон марказида Шароф Рашидов сиймоси акс эттирилган баландлиги 9 метрли ҳайкал ўрнатилмайдиган супа ва унинг атрофидаги майдонда қурилиш ишлари тугаланиб, сўнгги ишлар бажарилмоқда. Фаввора қурилиши ҳам якулланди.

Хориждан келтирилган қора қарағай, каштан, сирень, сакура каби манзарали дарахтлар хиёбонга кўрк бағишлаб турибди. Дарахтзор орасидаги йўл ва йўлақлар ҳам тўлиқ битказилди.

Юртимизнинг улуғ сиймолари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ушбу ҳудудда Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижод боғи, боғ ичида иқтидорли болалар учун адабиёт йўналишидаги Зулфия ва Ҳамид Олимжон мактаб-интернати барпо этилиши, тарихий Хўжа Нуриддин мадрасаси тавмирланиши билан яна бир маданий, маънавий маскан юзага келди.

Ушбу ёдгорлик мажмуасини барпо этишда бош пудратчи ташкилот «Агростандарт плюс» масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан 5 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шароф Рашидов мемориал уй-музейи ташкил этилиб, музей жойлашган Совунгарлик маҳалласида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари бажарилди.

— Бутун онгли ҳаётини эл-юрт тараққиётига бағишлаб, халқимизнинг юксак ҳурмати ва меҳрига сазовор бўлган инсоннинг 100 йиллик юбилеи ўтказилиши муносабати билан қўллаб эзгу ишлар амалга оширилди, — дейди «Кўёш-севар Парда» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиёдов. — Президентимизнинг Шароф Рашидов хотирасини

абдийлаштириш ҳақидаги қарори асосида амалга оширилган бундай ишлар, яратилган боғлар, ёдгорлик мажмуалари нафақат бу улуғ зотга, айни пайтда халқимиз тарихи, Ўзбекистонимизнинг барча фидойи фарзандларига юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Юбилей тантаналари олдида ҳудуддаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Юнус Ражабий номидаги вилоят мукабили драма театри, марказий кўча ва майдонларда ҳам таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Юбилей санаси яқинлашаётган шу кунларда халқимиз, айниқсан, ёшларни ана шу улуғ инсоннинг ҳаёти ва фаолияти билан кенг таништириш мақсадида бутун вилоятда турли маданий-маърифий ва хотира тадбирлари ўтказилаётир.

Вилоят илм-фан, адабиёт, санъат намояндalarидан тузилган тарғибот гуруҳлари иштирокида таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда Ватанимиз тарихида, миллий маданиятимиз ва адабиётимиз ривожиди Шароф Рашидовнинг ўрнига бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб, олимларнинг маърузалари, кекса авлод вакилларининг хотиралари тингланмоқда. Шароф Рашидов асарлари, у яратган бадиий образлар аҳамиятига бағишланган илмий, ижодий, адабий-бадиий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Шундай маърифий тадбирлардан бири Дўстлик туманидаги тиббиёт коллежи, 2- ва 4-умумтаълим мактаблари жамоалари билан ўтказилди. Унда Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчилари Шароф Рашидов XX асрнинг йирик давлат ва жамоат арбоби бўлиши билан бирга, миллий адабиётимиз хазинасини бойитишга катта ҳисса қўшган забардаст ёзувчи экани ҳақида маърузалар қилди. Ватанга муҳаббат, дўстлик ва садоқат каби олижаноб фазилатлар юксак бадиий маҳорат билан ифодаланган «Қашмир қўшиғи», «Икки дил достони» асарлари жаҳоннинг 56 тилга таржима қилинган ижодкорнинг чинакам истеъдод эгаси эканидан далолатдир.

Мирзақул туманидаги 9-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган маърифий тадбирда Шароф Рашидовнинг Жиззах қўлини ўзлаштириш, бу заминда одамларнинг эмин-эркин ва фаровон яшаш йўлидаги хизматлари алоҳида эътибор қаратилди. Арнасой туманидаги 1-, 8-умумтаълим мактабларида ўтказилган учрашувларда ҳам Шароф Рашидовнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Вилоятда Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
УЗА мухбири

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қаҳрамон Куронбоев ёшлар билан онлайн мuloqот ўтказди.

ЁШЛАР БИЛАН ОНЛАЙН МУЛОҚОТ

Мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан жорий йил 30 июнда ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ёшларнинг чинакам суянчи ва танчи бўлаётгани таъкидланди.

Ёшлар ҳаётига дахлдор, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва орзу-мақсадларини рўйбга чиқаришга қаратилган 14 метёрий ҳужжат-қонунлар, Президентимиз фармони, қарори ва фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ишлаб чиқилди. Жорий йил қарийб 3 минг ёш оила уй-жой билан таъминланди. Қўллаб ёшлар тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Мингдан зиёд ёш тадбиркор имтиёзли кредитлар олди. Ёш тадбиркорлар ва фермерлар билан ишлаш бўйича ташкил қилинган марказлар томонидан уларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятини янада ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар иттифоқи қошида йил охиригача 15 новдафлат нотижорат жамоат ташкилоти фаолият юрита бошлади, йил охиригача уларнинг сони 30 тага етказилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, 5 мингдан ортиқ ёш иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифанинг ижроси доирасида уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича тизим яратилди. Ушбу долзарб масалага бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман натижаларига таяниб,

уюшмаган ёшларни қизиқтираётган масалалар ижроси бўйича дастурлар ишлаб чиқилди.

Чет элларга ўқиш ёки ишлаш учун кетган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ёшлар иттифоқи масъуллари жорий йил август ойида Хитой Халқ Республикасидаги ўзбекистонлик ёшлар билан учрашди. Уларнинг тақил-истакларига кўра, Шанхай ва Пекинда Ёшлар иттифоқининг бошлангич ташкилотлари ташкил этилди. 30 октябрь — 8 ноябрь кунлари Ёшлар иттифоқи делегацияси Россиянинг Москва, Астрахань, Новосибирск ва Санкт-Петербург шаҳарларида таҳсил олаётган ва меҳнат фаолиятини юритаётган ўзбекистонлик ёшлар билан учрашувлар ўтказди.

Президентимиз тавсиясига биноан Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясини ташкил қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2018 йил 1 январдан бошлаб мазкур ташкилот Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши қошида фаолиятини бошлайди. Янги йилдан бошлаб «Ёшлар овози» газетасини ҳафтада тўрт мартага чоп этиш йўлга қўйилади.

Ижтимоий тармоқдаги fb.com/kuranbayev.k саҳифасида тўғридан-тўғри ўтказилган мuloqотда ёшларнинг муаммо ва хоҳиш-истаклари билан ўртоқлашилди, фикр-мулоҳазалари, тақлифлари ўрганилди.

М.ҚОСИМОВА,
УЗА мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Пойтахтимизда "Инновация — 2017" халқаро илмий-амалий анжумани иш бошлади.

Форум Тармоқлардо стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази томонидан Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Россия, Германия, Япония, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Норвегия, Украинадан олимлар, тадқиқотчилар, йирик саноат корхоналари вакиллари, тадбиркорлар ва ёшлар иштирок этмоқда.

Анжуманда илмий-амалий ва таълим йўналишларининг долзарб масалалари муҳокама этилмоқда.

— Инновацион ишланмалар келажак технологияларидир, — дейди Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети ўқитувчиси Гавхар Тўрабекова. — Таъкидлаш жоизки, мазкур анжуманда ўзбекистонлик олимлар илм-фанда инновацион ёндашувларни жорий этишга қаратилган фаол тадқиқотлар олиб бораётганига ғувох бўлдим. Ушбу лойиҳа ва ишланмаларни амалиётга кенг таъбиқ қилиш маҳаллидан фойдаланган ҳолда жаҳон бозорига янги маҳсулот турларини чиқаришга замин яратади.

Халқаро анжуман илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ташкилотларининг технология ва ишланмаларини намойиш этиш, бу борадаги илгор ютуқлар билан танишиш, инновацион ривожланишнинг истиқболдаги вазифаларини белгилашга хизмат қилади.

❖ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 5 июлдаги "Ёшлар оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони ва 18 июлдаги "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги bosқичга олиб чиқди.

Меморандум икки тизим ўртасида ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар, жумладан, маданият соҳасида фаолият олиб бораётган йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдодли ўғил-қизларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмақлашиш, аynиқса, уюшмаган ёшлар билан самарали ишлаш тизимини шакллантириш каби устувор вазифаларни белгилаб берди.

Шунингдек, тадбир доирасида Ўзбекистон Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг таъсис йиғилиши ўтказилди.

❖ Навоийда "Зарафшон воҳасини комплекс инновацион ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий давлат кончили институтини ҳамда қатор олий ўқув юртлири ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия каби 20 га яқин мамлакатдан таниқли олимлар, етакчи компания ва ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари, мутахассислар иштирок этди.

Халқаро конференцияда жаҳоннинг нуфузли илмий-тадқиқот марказлари, олий таълим муассасалари олимларининг воҳада кончили саноати истиқболига бағишланган 154 илмий мақоласи муҳокама этилди.

Йўналишлар бўйича беш секцияга бўлинган ҳолда давом этган конференцияда ҳориқлик олим ва мутахассисларнинг илмий маърузалари тингланиб, институт магистрантлари томонидан воҳада оид муаммолар ечимига бағишланган ишланмалар тақдимоти ўтказилди.

Халқаро анжуманда кончили саноатида замонавий ҳамда самарали усуллардан фойдаланиш, ўзлаштирилган лойиҳаларни bosқичма-bosқич ривожлантириш ва модернизация қилиш борасидаги изланишлар ҳақида фикр алмашилди. Геотехнология ва минерал хомашини қайта ишлаш, нанотехнология ва кимёвий технология, машинасозлик, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ва автоматлаштириш, мўқобил энергия манбалари, қишлоқ ҳўжалиги ва экология йўналишларида 20 дан ортиқ шартномалар имзоланди.

❖ Наманганда аёллар репродуктив тизими аъзолари хавфли ўсмалари профилактикаси, эрта диагностикаси ва даволаш масалаларига бағишланган Ўзбекистон онкологларининг илмий-амалий конференцияси ўтказилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг барча вилоятлардаги филиаллари раҳбарлари, мутахассислар, Россия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Ҳиндистон каби давлатларнинг нуфузли клиника ва тиббий илмий-тадқиқот марказлари профессорлари, ёш олимлар иштирок этмоқда.

Икки кун давом этадиган конференцияда мамлакатимиз ва хориқлик олимларнинг 40 дан зиёд илмий маърузалари тингланди. "Ёш онкологлар" анжумани ташкил этилиб, унда юртимизнинг турли ҳудудларида шу соҳада фаолият олиб бораётган ёш шифокорлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

— Бутун дунё тиббиётида долзарб вазифа бўлиб турган онколог касалликлар профилактикасида илмий-амалий ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ҳиндистоннинг BLK-Hospital клиникаси вакили Панж Кумар Панде. — Бу борада Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Буни ушбу конференцияда қўллаб-даватлардан мутахассислар иштирок этаётганида ҳам кўриш мумкин.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

Ўзлуксиз малака ошириш жараёнлари

таълим сифати ва самарадорлигини таъминлайди

Сергели туманидаги таълим муассасаларида халқ таълими тизимида ўзлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этишга бағишланган ўқув-амалий семинарлар ташкил этилди.

Унда Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ходимлари, олий ўқув юрти ўқитувчилари, таянч мактаб раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, МТМ мудиралари, амалиётчи-психологлар, ёшлар етакчилари ҳамда фанлар бўйича методистлар ва ёш мутахассислар иштирок этди.

268-мактабда "Замонавий таълим муассасаси"нинг директорлари учун "Ёшлар тарбиясидаги бугунги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари", 285-мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари учун "Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчилар масъулиятини ошириш", маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари учун 7-мактабда "Келажак Алпомишлари" тўғрисидаги ташкил этиш ҳамда кутилаётган натижалар", 266-мактабда Ёшлар етакчилари учун "Ёшларда буюк аждодларимиздан фахрланиш, миллий гурур туйғуларини ноанъана-

вий мунозара ва тренинглар ўтказиш орқали ривожлантириш", 2-мактабда амалиётчи-психологлар учун "Муаммоли ўқувчилар билан ишлаш самарадорлигини ошириш йўллари" мавзуларида ўқув семинарлари бўлиб ўтди.

Шунингдек, фанлар бўйича ҳам машғулотлар ўтказилиб, унда ўқитувчилар касбий билим ва маҳоратини оширди.

Жумладан, 300-мактабда "Методист ўқитувчи мактаби"нинг бошланғич синф методист ўқитувчилари учун "Бошланғич таълим жараёнида коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда фаол методлардан фойдаланиш" мавзусида маҳорат дарслари ўтказилди.

Пойтахтимизнинг 11 та туманидан йиғилган ўқитувчилар, методистлар учун куйи синфларда болаларнинг эгаллаган билим, кўникма, малакаларини ҳаётий вазиятларда қўллаш олишини таъминлашга қаратилган тренинг машғулотлари кенг қамровли тарзда олиб борилди.

— Ўқувчиларда бешта йўналишда компетенцияларни шакллантиришни машғулотларда кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик, — дейди методист ўқитув-



чи Флюра Афлеева. — Масалага бу тарзда ёндашув барча иштирокчиларнинг ўз туманига, мактабига бorganида ҳамкасбларига зарур методик қўмақ беришида асқотади.

303-мактабда ҳам ижтимоий фанлар методисти ўқитувчилари учун ана шундай семинар бўлиб ўтди. Унда мактабнинг давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси М.Аҳмедова "Кибермақонда дин ва ахборот истеъмоли маданияти", Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси С.Шермухаммедова "Дарс жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи методлардан самарали фойдаланиш" каби мавзуларда маҳорат дарслари ўтишти.

Семинар якунида иштирокчиларга зарур методик тавсиялар берилди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири



"Китоб, менинг дўстимсан!"

Таълим муассасаларида китобхоналик маданиятини оширишга оид тарғибот тадбирлари, китобхоналик кечалари, китоб кўргазмаларини ўтказиш одат тусига кирган.

Олмазор туманидаги 249-мактабга кириб борганимизда байрамга тайёргарлик авжида эди. Бошланғич синф ўқувчилари ўзбек ва рус тилларида ёдлаган шеърларни тақдорлашар, кимдир саҳна кўриниши учун ҳозирлик қўрар, ўқувчилар тенгдошларининг чиқишларини интиқ кутаятганлари кўзларидан аён эди.

— Байрамни бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказаямиз. Уларнинг кўнглида адабиётга муҳаббат уйғотиш учун ҳаракат қиламиз. Нашриётлар билан ҳамкорликда ўқувчилар учун ярмаркалар ташкил этиб, янги нашрлар билан

таништириб борамиз, — дейди мактаб АРМ ходими Алмира Халитова.

Тадбир доирасида "Менинг биринчи китобчам", "В мире сказок" каби кўргазмалар ҳам ўтказилди. 2-синф ўқувчилари тайёрлаган "Биринчи китобча"ларни қўлга оларкансиз, уларнинг меҳр ва иштиёқ билан ишлаганларини туйсуқ сезасиз. Болақонларнинг озгина хоталар жузўйи камчиликлардан ҳам холи бўлмаган "асар"ларидан иборат бундай тўпламларни ўқиб кўнглингиз недандир ёришиб кетади.

Мана, болалар ибратли ҳикоятлар асосида тайёрлаган саҳна кўринишини намойиш қилишяпти. Бундай ибратли ҳикоятлар болақонларнинг китобга меҳрини алангалатиб, бир овоздан: "Шунинг учун дейманки, китоб менинг дўстимсан!", деб баралла айтишларига сабаб бўлади.

Сухроб ЗИЁДОВ

Ҳуснихат — саводхонлик белгиси

Бектемир тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабларда филология йўналишидаги фанларга бағишланган семинар ва учрашувлар ташкил этилган. Жумладан, 289-мактабда "Савод ўратиш даврида чиройли ёзув малакасини шакллантириш" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

— Барча мактабларда мавзулар доирасида шундай тадбирлар ўтказаямиз, — дейди туман халқ таълими бўлими методисти Саломат Намуратова. — Унда иш тажрибаси омалаштирилган ўқитувчилар очик дарслар ўтиб берапти. Дарс таҳлили чоғида иштирокчилар янги методларни ўрганяпти.

Тадбирда Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчилари ҳам иштирок этиб, зарур маслаҳат ва тавсиялар берди.

— Бу каби тадбирларда иштирок этиб, дарсларни қумалаштириш, таълим муҳити билан танишиш биз учун фойдали. Шу орқали бўлажак педагог кадрлар тайёрлаш жараёнида нималарга эътибор қара-

тишни аниқлаб оляймиз, — дейди педагогика фанлари номзоди Ирода Режаметова. — Машғулотларни таҳлил қилиб, керакли маслаҳат ва кўрсатмалар беряймиз.

Ёш авлодда саводхонлик ва она тилимизда равон сўзлаш кўникмасини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Бошланғич синфларда олиб борилган очик дарсларда ўқитувчиларнинг саводхонлигини оширишга қаратилган янги методлар иштирокчиларга манзур бўлди.

Зилола МАДАТОВА

2017-yil 28-oktabr, № 86 (9047)

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим тизимини замон талабларига мос tarzda такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бугун бу борда қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ҳамда “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилиниб, уларда кўзда тутилган вазифалар янги ўқув йилдан таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда юксак касбий маҳоратга эга педагог кадрлар авлодини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагог кадрларни қайта тайёрлаб берадиган малака ошириш тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш лозим.

Ўқув дастурлари такомиллашса

малака ошириш тизимида таълим сифати ва самарадорлиги янада яхшиланади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айтиш шундан маънада хизмат қилиши шубҳасиз.

Чиндан ҳам, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг илмий салоҳияти, дарс бериш сифати бугунги кун талабига жавоб бераётган эди. Халқ таълими ҳамда олий таълим ўртасида узвийлик ва узлуксизлик таъминланмаганди. Қарорда соҳадаги шу каби муаммоларга илмий ечим кўрсатилган.

Узоқ йиллик тажрибам асосида менда ҳам айрим фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди.

Маълумки, малака ошириш тизимида мутахассислик фанлари бўйича ўқув мажмуалари Абдулла Авлуний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти олимлари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилади. Аммо бугун айрим фанларга доир модуллар бўйича ўқув мажмуаларини талаб даражасида деб бўлмайди.

Хусусан, “Физика фанининг назарияси ва ўқитиш методикаси” модули (VII тўплам, Тошкент —2017)ни олайлик. Дастурда келтирилган мавзулар жуда катта ҳажмда берилган. Масалан, “Физикадан умумий ўрта таълим, ЎМҚХТ (Ўрта махсус, касб-хунар таълими) ва Олий таълим ДТСлари узвийлиги, ўқув режа ва ўқув дастурлари. Физика ўқитишда фанларро боғлиганини таъминлаш” мавзуси 2 соатлик маърузадир. Физика таълиминини умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурлари асосида ташкил этиш билан бир

қаторда унинг фанларро боғлиганини таъминлаш масаласи ҳам киритилган. Буни битта машғулнинг ўзида батафсил тушунтириб беришнинг имкони йўқ. Демак, ушбу мавзунини иккига бўлиб, 4 соатга режалаштириш лозим.

Худди шунингдек, “Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий мерослари. Ўзбекистонда физика фанининг ривожланиши ва истиқболлари, илмий-тадқиқот муассасаларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва уларнинг амалиётда татбиқи” мавзусидаги 2 соатлик маърузани ҳам дастурда бир машғулга ўтиш кераклиги таъкидланган. Буни ҳам иккига бўлиб, 4 соат давомида ўрганиш керак. Дастурда келтирилган: “Марказий Осиё илм-фан ва маданият қадимдан тараққиёт топган марказлардан бири. Математика, астрономия, тиббиёт, тўқимачилик, меъморчилик, кулолчилик, фалсафа каби йўналишлар. Ўрта Осиё мутафаккир олимлари Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Ал-Форобий, Умар Хайём каби алломаларнинг модда тузилиши, ёруғлик, иссиқлик, товуш ҳодисалари юзасидан таълимотлари. Беруний ва Ибн Синонинг ёруғликнинг синиши, линза, кўз ва линзада тасвир ҳосил қилиши тўғрисидаги фикрлари. Улар таълимотларининг ҳозирги замон физика фанида тугган ўрни, маънавий, маърифий ва маданий мерослари, физика илми ривожига қўшган ҳиссалари” каби маълумотлар биринчи дарсада, “Ҳозирги вақтда “Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрларида олиб бориладиган илмий ишлар. Ядро физикаси, Иссиқлик физикаси, Физика-техника, Механика, Кибернетика, Математика, Биофизика, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент, Бухоро, Андижон, Хоразм ва бошқа олий ўқув юрларида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари” иккинчи дарсада берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“VI—IX синфлар учун амалиётдаги дарсликларда ва шунга ўхшаш масалаларни ечиш” (8 соат), Физика фанидан “VI—IX синфда берилган кўргазма, тажрибаларни ва лаборатория ишларини бажариш” (8 соат) мавзуларидаги вазифалар ўқитувчиларнинг кундалик ишлари сирасига киради. Бу мавзулар ўқув жараёнида деярли ҳар кун тақдорланади. Ушбу мавзуларнинг ўрнига ҳозирги

замон тараққиётимизни белгилловчи методология берилиши жоиз. Чунончи, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони мазмунини ўқитувчиларга тушунтириш масаласини киритиш мумкин. Унда “... айтиш вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада бар-

Fikr, mulohaza, taklif

лар табиאתни фақат қоғоз ва қалам ёрдамида ўрганадилар. Бошқача айтганда, олдин экспериментал ва назарий tarzda топилган табиאת қонунларига таяниб, қузатилаётган катталар орасидаги янги муносабатларни математик усулда ечиши тушунилади. Масалан, назарий tarzda электрни, магнетизмни ва оптикани бirlashtirgan аjoyib tenglamalarni chiqargan M.Maksvell, elektromagnit t'liqlarini ochgan G.Gers, nisbiylik nazariyasini yaratgan A.Eynshteynning ishlarini keltirish mumkin.

“Физика фанининг назарий масалалари” деб номланганда эса ушбу қисмининг мазмуни бутунлай ўзгаради. Бунда таълимдаги шу куннинг долзарб масалалари тўлиқ қамраб олинди. Жумладан, “Ўрта осийлик мутафаккирларнинг илмий мерослари ва жаҳон тарихида тугган ўрни”, “Фанининг методологияси”, “Ўзбекистонда физика фанининг ривожланиши ва истиқболлари”, “Физика ўқитиш методикаси тарихи ва ривожланиши” каби масалалар илмий-назарий жиҳатдан ёритилади.

Амалдаги дастурнинг иккинчи қисми “Физика фанини ўқитиш методикаси” деб номланади. Узлуксиз таълим тизими деганда, босқичларро дастурларда бир-бирини тақрорламай, балки тўлдириб узвийлигини таъминлаш тушунилади. Амалдаги дастурда эса бунга эътибор берилмаган. Ваҳоланки, “Таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкил этиш методлари”, “Физика ўқитишда дидактик материалларни қўллаш”, “Физикадан масалалар ечиш алгоритмлари методикаси”, “Физика ўқитишда фанларро боғлиганининг таълими аҳамияти”, “Физикадан қўлда ясалган асбоб-ускуналар ва уларни ўқув жараёнига татбиқ қилиш” каби мавзуларга таянилганда дастур тўлақонли тузилган бўларди.

Кўп йиллик қузатишлардан маълумки, малака ошириш институтларида илмий даражалар сони 5—6 нафардан ошмаслиги (10—12 фоиз), ушбу соҳада ўқитишнинг энг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш ва уларнинг оптимал ечимини илмий методик нуқтаи назардан аниқлаш муаммо бўлиб келаётган эди. “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор асосида бу муаммо ҳам ижобий ечим топди.

Институтларда илмий ишларга жалб этилган тадқиқотчилар учун турли мазмун ва шаклдаги тадбирларни ишлаб чиқиш, шакл шубҳасиз, уларнинг илмий салоҳиятини кўтаришга, илмий тадқиқотлар савияси ва самарадорлигининг ошишига олиб келади. Тадқиқотчилар ўртасида грант танловларини ташкил этиш, методологик семинарлар ўтказиш, уларнинг фаол ишлашига имкон яратиш мақсадида консултив, ташкилий ва ахборот таъминотини яхшилаш, етакчи хорижий институт ва илмий марказларда малака оширишларини ташкил этишнинг йўлга қўйилиши келгусида ўз самарасини беради.

Хайрулла ИНОТОВ,
Жиззах вилояти
ХТХҚТМОЙ доценти

қарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда” дея таъкидланган.

Бугун кўпчиликни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокама-синтизисиди ишлаб чиқилган ва таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва жорий этиш билан боғлиқ методологияни ўқитувчиларга синдириш зарурати сезилмоқда.

Амалдаги дастурлар мазмунида қайси фан бўлишидан қатъи назар, миллий истиқлол мафқураси, ўқувчилар қалбиди ватанпарварлик туйғусини ўйготиш, мустақил фикрлашга ўргатиш масалалари етарли ўрин олиши; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ДТС ва ўқув дастурлари асосидаги методик қўлланма, тавсия, дидактик материаллар ва бошқа қўшимча методик адабиётлар билан таъминланиши; тажриба-синов ишларининг мақсад ва моҳиятини ўқитувчилар тўлиқ тушуниб етишлари ва давлатимиз томонидан уларга қулайлик туғдирилаётганлигини ҳис этишлари лозим.

Амалдаги “Физика фанининг назарияси ва ўқитиш методикаси” модули икки қисмга: биринчи қисми “Физика фанининг назарий масалалари”, иккинчи қисми эса “Физика фанини ўқитиш методикаси” деб ўзгартрилишини тавсия қилардик. Чунки “Физика фанининг назарияси” дейилганда, физик-назарийчи-



"Сизга ўхшаб ўқитувчи бўламан"

Соат 22:30 ларда Икромжон ақанинг телефони тўсатдан жиринглади. Мактаб-интернат директори Усмонбек Давроновнинг рақамини дарҳол таниди. Бемаҳал йўқловдан биров хавотирга тушиб, жавоб тугмачасини босди.

— Икромжон, безовта қилганим учун узр! Тонггача сабрим чидамади. Президентимиз Фармонига кўра, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдирланибсиз. Шунга биринчи бўлиб табриклашга ошқидим.

Хаяжондан Икромжон ақанинг тили калимага келмасди.

Телефонни кўйгач, дарҳол хушбарни рафиқасига етказди. Мамлакат опа суюниб, фарзанду келин ва набираларини чақирди. 5-синфда ўқийдиган набираси Муаттархон "Божон, сиз билан фахрланаман. Келажакда сизга ўхшаб ўқитувчи бўламан", деганида кўзларига қувонч ёшлари келди.

Уша кеча Икромжон ақанинг кўзи-га уйку келмади. Сахардаёқ уқиси Тўлганбой билан яшовчи онаси Тўхта-хон момага муқофотини суюнчилайди. "Қани энди шу шодумон кунларимни отам раҳматли кўрганларида эди, қувончдан ичларига сиғмай кетардилар", — дея марҳум падалири бузруквори Абдурайим Мараҳимовни ёдга олди.

Отаси ширкат хўжалигида ишласа-да, илмга ташна эди. Шу сабабми, барча фарзандлари қатори тўнғичи Икромжонни ҳам мактабда аёло баҳоларга ўқишга ундарди. "Ука-сингилларинг сенга эргашади. Шунинг учун яхши ўқишинг керак. Биздан кейин уларга бош бўласан", дея насихат қиларди. Икромжон уй-рўзғор ва дала ишларида ота-онаси-га елкадош бўлиш баробарида барча фанлардан яхши ўқиди. Айниқса, физика ва математикага меҳри бўлакча эди. Мактабни тамомлагач, Фаргона давлат педагогика институтининг (хозирги ФарДУ)нинг физика факультетига ўқишга кирди. Олий ўқув юртини битиргандан кейин тумандаги 14-мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлади.

Сўнгги 24 йил мобайнида Тошлоқ туманидаги 1-ихтисослаштирилган

давлат умумтаълим мактаб-интернатида ёшларга физика фанидан сабоқ берди. Ўқувчилари орасида ўзи сингари илм-фанга иштиёқмандлар талайгина. Дарсдан ташқари пайтада ҳам "Еш физиклар" тўғараги орқали уларни физиканинг сирасорларидан баҳраманд этиб келмоқда. Шогирдларига ўз келажигини фақат мукамал билим олиш орқалигина нурафшон этиш мумкинлигини ўқитарди. Мазкур муассасада ўзи сингари 22 нафар тажрибали устоз-мураббий 299 ўқувчига таълим-тарбия бермоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 21 та фан ва спорт тўғараги ташкил қилинган.

Икромжон ака ўрнидан туриб, соат миллирига қаради. Тонг отишига яна 3—4 соат бор. Ўзи доим шунақа бўлади, кутган пайтингда вақт ўтмайди. Яна хаёлга чўмди.

Юртимизда Ватан тараққиёти йўлида қилинган меҳнат, кўрсатилган жонбозлик муносиб тақдирланишга кўп бор амин бўлди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида "Шухрат" медали билан тақдирланганида мактаб-интернатда ҳам, хонадонидида ҳам тўй бўлиб кетгани ҳамон ёдида. Бу уни янада масъулият билан ишлашга, ҳамкасбларига намуна бўлишга ундади. Шу мақсадда ЮНИСЕФ халқроқ ташкилоти томонидан "Болага дўстона муносабатдаги мактаб" дастури доирасида ташкил этилган машғулотларда билим ва малакасини оширди. Бунинг самараси ўқувчиларнинг фан олимпиадалари ва билимлар беллашувидида натижаларида намоён бўла бошлади. Жорий йилда билимлар беллашувининг вилоят босқинида Тошлоқ тумани шарафини ҳимоя қилган 30 нафар ўқувчининг 22 нафари айнан шу

мактаб-интернат ўқувчилари экани эътиборга молик. Унга ҳавас қилиб, ўқитувчилик касбини танлаган ва ўзи билан елкама-елка фаолият юритаётган шогирди Ўғиллой Мамажонова эса 2015-2016 ўқув йилида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-тан-



Ehtirom

Махшураҳонлар уй бекаси.

Тонг ёриша бошлади. Икромжон онаси Тўхтахон момонинг ҳузурига ошқиди.

Онаизорнинг кичкина кўллари унга катта дуо берди. Сўнг ҳамкасбларининг, шогирдлари, ёру дўстлари, кўни-қўшни, маҳалла-қўй, қариндош-уруғларнинг табрик ҳамда қутловлари бир-бирига уланди. Биз ҳам устознинг қувончли дамларига шерик бўлиш мақсадида муассасага ташриф буюрдик.

— Йўқлаб келганингиз учун раҳмат, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Икромжон Мараҳимов камтарлик билан. — Ўтган 40 йиллик фаолиятим

давомида қилган меҳнатим қадр топганидан хурсандман. Арзимас хизматларимни юксак унвон билан тақдирлаган Президентимиздан, мени камолга етказган ота-онамдан, устозларимдан, ҳамкасб ва яқинларимдан беҳад миннатдорман.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, бугун мамлакатимизда Икромжон Мараҳимов сингари машаққатли ва шарафли касбини улуглаб, фидоийлик билан умргузаронлик қилаётган юрдошларимизнинг саногии йўқ. Улар ёш авлодини, ўз шогирдларини ҳамisha комиллик сари йўловчи инсонлардир.

Икромжон муаллимни кутлар эканми, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг кўийдаги мисраларини эсладик:

Шоирга дедилар:

Сиз — бахтли инсон,

Халқингиз ардоқлар,

ҳамма танийди.

Шоир жавоб берди:

Менда бир армон,

Муаллим десалар мени,

қанийди.

Хуришид СУЛТОНОВ,
журналист



ловининг вилоят босқинида 2-ўринга сазовор бўлди. Яна бир шогирди Баҳромжон Жалилов Санкт-Петербург шаҳрида энергетика йўналишида номзодлик диссертациясини ёклаш арафасида. "Физика дарсларида масалалар ечишда геометрия қондаларидан фойдаланиш", "Физика дарсларида кўргазма воситалари сифатида маҳаллий материаллардан фойдаланиш", "Физика дарсларида лаборатория ишларини ташкил этиш" каби 50 дан ортиқ ўқув-услубий кўлланма ва электрон дарс ишланмалари ҳамда 100 дан зиёд кўргазма воситаларини яратди.

Икромжон Мараҳимов ўқитувчилар оиласида бахтдан масрур яшамокда. Умр йўлдоши Мамлакат Абдуллаева тумандаги 14-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, келини Феруза Мирзаева ҳам шу мактабда тарих фанидан сабоқ беради. Кичик келини Гулшаной Комилова ФарДУнинг "Табиий фанлар" факультетининг II босқин талабаси. Катта ўғли Авазбек алоқа корхонасида, кичиги Жамшидбек эса "Фаргонаазот" акциядорлик жамиятида муҳандис вазифасида фаолият юритади. Қизлари Маъмура ва

Она тилини билиш, адабиётни меҳр ва қўнт билан ўрганиш ҳар бир ўқувчи учун шарафли вазифага айланса миллий гурур, ватанпарварлик туйғуларни қалбда яна ҳам чуқур илдиз отади. Ҳар йили октябрда ўтказиладиган "Филология фанлари ойлиги" мактабимизда ўзгача руҳда ўтади.

Она тилини ардоқлаб

Мактабда "Филология фанлари ойлиги"нинг илк ҳафтаси мумтоз адабиётга бағишланди. Ҳафта давомида мумтоз адабиёт намоёндаларининг асарлари асосида тайёрланган сахна кўринишлари, миллий матоларга ўлмас сиймоларимиз портрети туширилган сўзанаалар намоиши, баҳру байтлар ўтказилган бўлса, кейинги ҳафта замонавий адабиётга бағишланди. Учинчи ҳафталик "Асарлар тилга кирганда" дея номланиб, аввалги ўтказилган тадбирлар умумлаштирилди. Ҳар бир йўналиш солиблари аниқланди. Тўртинчи ҳафта фан ойлиги фестивалига бағишланди.

Ойлик давомида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан ўтказилган "Она тилим сен борсан, шаксиз, булбул куйин шеърга соламан!" мавзусидаги тадбир нафақат она тили ва адабиёт ўқитувчилари, балки бутун мактаб жамоасида катта таассурот қолдирди.

Турғунной ҲАКИМОВА,
Яшнобод туманидаги
307-ИДУМнинг
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси

Китобхонлар мактаби

Агар боллага қўлидаги китобнинг ақлга сиғмас туҳфаларини биргалашиб, ҳаммаслагу ҳамдам бўлиб билдирсак, унинг чин дўст топшига кўмаклашган, ойдин йўллардан юришига замин ҳозирлаган бўла-миз. Бугун мактабларда ўтказилаётган "Олмасий китобхонлик ҳафтаси" эзгу мақсадларимизнинг амалдаги ифодаси бўлаётир.

Пойтахтимиздаги 234-мактабда 24-25 октябрь кунлари 6-синфдан 10-синфгача бўлган ўқувчилар иштирокида ўтказилган "Болаликнинг сеҳрли олами" мавзусидаги китоб кўргазмаси ва учрашуви мутлола завқини тيرانроқ туйишга кўмаклашди. Учрашувга таклиф этилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев серсавол ўқувчилар билан бадий асар мутлола-сининг завқи ҳақида суҳбатлашди. Болаларга китоб ўқишининг фойдалари, китобни қандай ўқиш кераклиги, мутлола маданияти, дўст-дугонани ҳам кутубхонага етаклаш, ўқиганларини ўзаро муҳокама қилиш, фикрлашиш, агар имкони етса, таассуротини кичик матн шаклида қоралаш, қизиқса, эртак-хикоя ёзиши мумкинлигини мисоллар билан айтган ёзувчининг ҳар бир сўзини ўқувчилар мароқ билан тингладилар. Кўпчилигининг Худойберди Тўхтабоев асарлари, қаҳрамонлари, улардаги турфа воқеалар ҳақида берган саволларида ҳам бадий адабиётга қизиқиш, сўз санъатига ҳурмат сезилиб тур-

ди. Учрашув якунида ёзувчи янги чоп этилган китобларидан ўқувчиларга, тадбир иштирокчиларига улашди.

Олмасор туманидаги 243-мактабда ҳам китобхонлик ҳафтаси "Энг китобхон оила" танлови билан давом этди. Мактаб ўқувчилари оила аъзолари билан биргаликда олти шартда нечоғлик китоб-

хон оила эканликларини намоиш этдилар. Танлов иштирокчилари турмушда, рўзғорда, ишда, факулдада вазиятларда ҳамisha керак бўладиган билимларни қай даражада билишлари, қандай китобларни ўқиганлари, илм-фан, жамиятдаги янгиликлардан нечоғлик бохабарликларини синовдан ўтказдилар. Мусобақада оталардан кўра оналар фол қатнашиб, саволларга батафсил жавоб бердилар.

Бундай тадбир, мусобақалар оилада китобга муносабатни ўзгартириб, фарзандлар камолида ўз аксини қолдириши, шубҳасиз.

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.



2017-yil 28-oktabr, № 86 (9047)

ЁР ВА СУВ ИЛМИ

илғор хорижий тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида ўқитилмоқда

Серқўёш юртимиз замини ниҳоятда сарий, серҳосил. Айниқса, куз фаслида бунинг яққол гувоҳи бўлиш мумкин. Фаровонлик, тўқиллик далалар, боғ-роғлардан тортиб, бозор расталарию дастурхонларда намоян бўлади. Қуёшдан куч, зилол сувдан озиқ олган унумдор заминимизда етиштирилган, витаминларга бой мева ва сабзавотларга хорижда ҳам талаб юқори. Жаҳонда гени модификация қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари кенг тарқалаётган бир пайтда юртимизда юз фоиз табиий шароитда турфа ноз-неъматлар етиштириляётгани аграр соҳада амалга ошириляётган изчил янгиланишлар самарасидир.

Ёр унумдорлигини оширишда қишлоқ хўжалигини механизациялаш, бу орқали деҳқоннинг меҳнати осонлаштириш муҳим ўрин тутди. Бундай чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун замонавий билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштирган, халқаро тажрибадан хабардорлиги юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг шу йил 24 майдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аграр соҳада замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаси, машина ва механизмлар, сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш ҳамда жорий этиш бўйича стратегик вазифаларни самарали амалга оширишга қодир, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида юқори малакали, рақобатбардор муҳандис-техник кадрларни тайёрлашга қаратилган эътиборга молик.

— Қарорга кўра, Тошкент ирригация ва мелиорация институти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига айлантирилди, — дейди олий таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Қодиржон Шовазов. — Гап фақат институт номи ўзгарганида эмас.

Шу кунгача қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар юртимиздаги еттита олий таълим муассасасида тайёрланарди. Устига-устак соҳага кадрлар тайёрлаш жараёни тизимга солинмаган, ўқитиш ҳар бир олий таълим муассасасида ўз ҳолича, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳолда олиб бориларди. Шунингдек, уларда техник муҳандис кадрларни тайёрлаш бўйича умумий концепция мавжуд эмас эди.

Эндиликда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланди ҳамда унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари кўрсатилди. Олий малакали муҳандислар тайёрлашга тизимли ёндашув йўлга қўйилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги бўйича кичик мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган 132 касб-хунар коллежи ҳам институтга бириктирилди. Институт қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасининг муҳандис-техник йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, илмий-методик адабиётлар-

ни ишлаб чиқади. Ўқув-илмий жараёнга хорижий мутахассисларни жалб этиш, илмий-педагог кадрларнинг чет элда малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш мақсадида соҳа бўйича етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Россия давлат аграр университети, Вагенинген университети (Нидерландия), Хөхенхайм университети (Германия) шулар жумласидандир.

Жорий ўқув йилида институтда ер-сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобида қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, хусусан, ер ости сувлари ҳолатини чуқур ўрганган мутахассислар тайёрлашга қаратилган "Мелиоратив гидрогеология" таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Янги очилган "Сугоришнинг сув тежовчи технологиялари", "Сув хўжалиги иқтисоди", "Сув хўжалигида менежмент" магистратура мутахассисликлари бўйича ҳам давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Уларда махсус фанларни ўқитиш салмоғи оширилди. Ўқув режасига янги фанлар киритилди. Кейинги ўқув йиллари яна тўртта йўналиш, учта мутахассислик ташкил этилиши мўлжалланган. Улардан "Қишлоқ хўжалигида электрэнергиянинг тикланувчи манбалари" йўналиши муробил энергия манбалари билан ишлаш, "Қишлоқ хўжалиги сув таъминоти, сув чиқариш ва зах қочириш муҳандислари тизимлари" йўналиши мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ер ва сув манбалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, "Яйловлар мелиорацияси" мутахассислиги қорвачиликни ривожлантиришда асосий ўрин тутувчи ўтлоқ ва яйловларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қодир мутахассисларни тайёрлайди. Янги йўналишларда экологик муссафолликни сақлаш, атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда инновацион ечим ва технологияларни қўллаш бўйича кенг билим ва кўникмалар берилди. Бу йўналишлар илғор хорижий тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ташкил этилмоқда.

Малакали кадрлар тайёрлашда олий таълим муассасасининг моддий-техник базаси ва илмий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ҳам муҳим омилдир. 2020 йилгача институтда 11 ўқув-лаборатория мажмуаси ташкил этилиши белгиланган. Деҳқончилик ва мелиорация асослари, сув ва насос станциялари, физика ва электроника ўқув-лабораториялари шу ўқув йилида ишга туширилади. Кулол лойсиз буюм ясломаганидек, талаба ҳам техник қурилмаларсиз ҳеч нима ўргана олмайди. Мутахассислик фанларидан ташкил этиляётган лабораториялар талабаларга устахона вазифасини ўтайди.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Мамлакатимизда изчил амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ҳаёти, соғлиғи, давлат ва халқ мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган яхлит ёнгин хавфсизлиги тизими шакллантирилди. Бу тизим аҳоли осовийш-талигини сақлаш билан бирга, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ёнгин хавфсизлиги қондаларини бузган шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга оид вазифаларни самарали адо этмоқда. Сўнгги беш йилда содир бўлган ёнгинларнинг деярли 80 фоизи бошланғич даврда бартараф этилган. 890 нафар одамнинг ҳаёти ва 373 миллиард сўмлик мол-мулки ёнгиндан сақлаб қолинган.

Институтдаги янгиланишлар

малакали ёнгин хавфсизлиги ходимларини тайёрлаш истиқболини белгилайди

Президентимизнинг шу йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самардорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида биноан Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабига Ёнгин хавфсизлиги институти мақомининг берилгани олий таълим муассасасининг хориждаги турдош олий ўқув юртлири билан ҳамкорликни йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки институтнинг илгари олий мактаб деб аталгани хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатишда муайян тўсиқларни келтириб чиқарарди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 майда қабул қилинган "Ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ёнгин хавфсизлиги соҳасига малакали мутахассисларни тайёрлаш учун улкан имкониятлар эшигини очди.

Таҳлиллар ёнгин хавфсизлиги инспекторларининг ўз функционал мажбуриятларини етарли даражада бажармаётгани, ушбу лавозимларга тегишли олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар қабул қилингани туфайли инспекторлар аҳоли, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан тўлақонли ҳамкорлик қилолмаётганини кўрсатади.

Шу боис бундан буён Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати инспекторлик лавозимларининг таркиби офицер кадрлар билан тўлдирилиши белгилаб қўйилди. Ёнгин хавфсизлиги инспекторларини тайёрлаш ти-

зимини ташкил этиш, соҳадаги кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида институтда "Ёнгин хавфсизлиги" мутахассислигининг "Ёнгин назорати ва профилактика ишларини ташкил қилиш" ҳамда "Профессионал тайёргарлик, хизмат ва ўт чирчиллигини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида биноан Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабига Ёнгин хавфсизлиги институти мақомининг берилгани олий таълим муассасасининг хориждаги турдош олий ўқув юртлири билан ҳамкорликни йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки институтнинг илгари олий мактаб деб аталгани хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатишда муайян тўсиқларни келтириб чиқарарди.

Шунингдек, институтда худудлар ва корхоналарнинг ёнгин ва саноат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олий маълумотли юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида янги, "Техносфера хавфсизлиги — саноат ва ёнгин хавфсизлиги фаолиятини ташкил қилиш" ихтисослиги ташкил этилди.

Институтда кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими асосида олинган олий маълумотнинг магистр даражасига тенглаштирилгани ҳам айни муддао бўлди. Бу институтни битирган мутахассисларга бир қатор қулайликлар яратди. Жумладан, магистратурано таълимдан кейинги таълимни давом эттириш имкониятини беради.

Аҳоли, тадбиркорлар, давлат органлари масъул ходимларининг ёнгинларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасидаги кўникма ва малакаларини тизимли равишда такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институти профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан сайёр ўқув-амалий йиғинларни ўтказиш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилиниб, ижросини таъминлашга киришилди. Шу билан бирга, Ички ишлар вазирлигининг тақлифига биноан институтда малака ошириш факультети ўрнида қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетини ҳамда унинг таркибида олий таълим базасида Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати раҳбар кадрларини тайёрловчи бир йиллик олий курсларни ташкил этиш белгиланди.

Эржабой СОБИРОВ,
подполковник,
Михил САФАРОВ,
кичик сержант

Ўзбекистон — туризм ўлкаси

Пойтахтимизнинг нуфузли меҳмонхоналаридаги бир йиллик меҳнат фаолиятим давомида соҳада кўплаб камчиликлар борлиги, айниқса, етуқ, замон билан ҳамнафас, чет тилларни яхши биладиган кадрларнинг етишмаслигига гувоҳ бўлдим.

Бу муаммоларни қандай ҳал этиш мумкин, деган савол мени кўндан бери ўйлантиради. Фикримча, республикамиз бўйлаб ҳудудий туризмни ўргатиш ва ривожлантириш марказларининг барпо этилиши ишламайдиган, ўқимайдиган, бирор касби-хунари бўлмаган ёшлар билан ишлашда қўл келади.

Туризмни ўргатиш ва ривожлантириш марказида уюшмаган ёшларга белгиланган муддат, дейлик бир йил мобайнида, нафақат инглиз тили, балки туризм турлари ва фаолияти бўйича сабоқ берилса, фойдадан холи бўлмайди. Марказ фаолиятига давлат ва ёшлар иттифоқи томонидан имтиёз ва преференция берилиши уюшмаган ёшлар тоифасини кўплаб-қувватлашга замин яратади. Эко-туризмнинг фойдали жиҳатларини ёшларга тушунтириш, уларга хориж тажрибаси бўйича сабоқ бериш, шу соҳани пухта эгаллашга имкон яратиш марказнинг асосий вазифаси бўлиши керак. Ўқув марказини муваффақиятли тамомлаган ёшлар махсус сертификат билан тақдирланиб, туризм соҳасида ишлаши ёки ўз бизнесини йўлга қўйиши мумкин. Демак, марказга жалб этилган йигит-қизлар ҳаётида катта бурилиш ясалади. Тилни пухта эгаллаб, туризм соҳасида бемалол фаолият юритади, моддий

тарафдан ўзига ва оиласига фойда келтиради, оддий тил билан айтганда, жамиятдан муносиб ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар жойлашган. Улар қаторида бетакрор ва гўзал табиат, ландшафтлар, сахро, чўл-адирлар, тоғлар, каттаю кичик кўллар, тилсимли горлар, шаршаралар, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот олами, нодир, дунё аҳамиятига эга бўлган археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар, дунёда кам учрайдиган шифобахш масканлар мавжудки, булардан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган эканмиз, Ҳиндистонда экотуризм жадал ривожланаётганини кузатамиз. Афсонавий бу диёр кўриқоналарида сайёҳлар ўлканинг ҳайвонот дунёси билан танишади, йўлбарс, тимсоҳ, арслон каби йиртқич ҳайвонларнинг ашаш тарзи сайёҳлар учун мўъжиза. Ўрмонлар бўйлаб уюштирилаётган фил устидаги сафар, заҳарли илонлар билан кўрсатиладиган томошалар кимни ҳайратга солмайди, дейсиз? Ҳиндистонга келаётган сайёҳлар сонининг ошиши бевосита экотуризмга қаратилган эътибор билан боғлиқдир.



Taklif

Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш ресурс ва имкониятлари кенг. Туроператорлик фирмалари томонидан "Тошкент-Чорвоқ-Тошкент", "Тошкент-Билдирсой-Чимён-Тошкент", "Тошкент-Зомин-Тошкент", "Тошкент-Айдаркўл-Тошкент" каби йўналишларда ўтказиладиган экотурлар, туяда чўл ҳудудларига сайр, нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё сайёҳларининг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиши нафақат табиатни муҳофаза қилиш, чет эллик сайёҳларни она диёримиз табиат манзараларидан баҳраманд этиш, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш, йўқолиб кетаётган турларни кўпайтиришга, балки иқтисодий, ижтимоий шaroitни яхшилаш, ёшларни янги иш жойлари билан таъминлашга имкон туғдиради.

Эко-туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларидан ташвишланишнинг ҳождати йўқ. Туристларга

юқори даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхона куриш шарт эмас. Табиат кўйида, ҳудуднинг бетакрор манзараларидан баҳра олиш, табиат гўзалликларини фото ва видеолавҳага муҳрлаш учун сайёҳ меҳмонхонада яшашга ҳождат йўқ. Табиатнинг бетакрор манзараси, баҳаво масканлар ёнида ҳодир ва кемпинг куриш кифоя. Кўриқона, истироҳат боғи, овқатланиш ва савдо шохобчаларини барпо этиш жуда муҳим.

Сайёҳлар зардўзлик, каштачилик, гиламдўзлик каби миллий хунарамандлик буюмларимизга қизиқиш билан қарайдилар. Туризмни ривожлантириш маркази билан миллий хунарамандлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, маҳорат дарслари, тренинг, ўқув-амалий курсларни ташкиллаштириш ёшларнинг уюшмаган қатламини миллий хунарамандликка қизиқтиришда қўл келади. Улар кейинчалик ўз кўл меҳнати намуналарини нафақат ички бозорга чиқариш, балки чет элга экспорт қилиш учун интилади. Демак, Ўзбекистон ёшлари учун дунё мамлакатлари эшиги кенг очилади.

Туризмни ўргатиш ва ривожлантириш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш уюшмаган ёшларни ижтимоий ҳаётга жалб қилишда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа кўпгина ташкилотлар ҳамкорлигини талаб қилади.

Умиджон ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳридаги Халқор Вестминстер университети талабаси

Бектемир туманидаги 292-мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Раҳимжон Мамаюнусов шогирдларига бор билимини беминнат ўргатиб келаётган устозлардан. У мактабда "Тасвирий санъат" тўғрисидаги ташкил қилиб, расм чизишга қизиқадиган кўплаб ўқувчиларни атрофига жамлаган.

"Хунарни асрабон неткумдир охир..."



Болалар турли ёшда, иқтидорлари ҳам бир-бирдан фарқли. Уларни ёшига қараб, борлиқини англаш ва кузатиш даражасига қўра турли гуруҳларга бўлиб олиш керак. Машғулот жадвали ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтига қараб тузиб чиқилди. Шу тариқа, мактабда ёш расмолар давраси пайдо бўлди. Гарчанд Раҳимжон ака ёши улғў бўлса-да, болалар орасида худди болага айланиб қолади. Устоз улар чизган расмларнинг табиийлигидан завқланади. Бири табиат манзарасини, иккинчиси ўз оила аъзоларини, учинчиси ўйин майдончаси, яна кимдир устоз кийфасини чизади, уларда профессионаллик етишма-

са-да сохталик, ясамалик йўқ. Тўғарак хонасига кирган киши ўқувчилар ижод намунасиндан ҳайратга тушади. Кейинчалик ёш расмоларнинг турли танловларда қатнашиб, ғолиб бўлган ижодий ишлари ҳам кўпая бошлади. Машҳур расмолар ижод намуналарининг хонага осиб қўйилиши тўғарак аъзоларининг тасвирий санъатга бўлган ҳавас ва иштиёқини оширмоқда.

— Тўғриси айтсам, 50 нафар аъзо орасида тўғарак машғулотларига шунчаки келиб кетаётганлари ҳам йўқ эмас. Мен бундан ташвишланмайман. Майли, ўша бола келажақда расм бўлмас, аммо тасвирий санъатнинг

ўзи билмаган жиҳатларини ўрганиб олса, қачондир шу нарса унга асқотиши мумкин. Мактабимиз жойлашган ҳудудда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. "Тасвирий санъат" тўғраги аъзолари орасида ҳам турли миллат вакиллари бўлиб, машғулот жараёнида улар бири-бири билан дўстлашади, мулоқотга киришади. Энг муҳими, бола бўш эмас, у нима биландир банд, — дея мамнун сўзлайди педагог.

Бола расм чизганида бирор услубга таяниши лозим. Бўёқни ўз ўрнида ва меъёри билан ишлатиш малакаси бўлса, озгина материални ҳам кўпга етказилади. Устоз бу ҳақда ўз шогирдларига ҳар бир машғулотда ўқтиради. Бола тасаввурини кенгайтириш учун тарихий обидаларга, музейларга, табиат кўйишига саёхат уюштириш кераклигини Раҳимжон ака яхши англайди. Шу боис, тўғарак аъзоларини дам олиш кўни Тошкент шаҳридаги музей ва кўргазмаларга олиб боради. Халқ амалий санъати музейи, Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар зали ва "Тасвирий санъат" галереясига уюштирилган саёхат ёш мусаввирларнинг тасаввурини кенгайтирди. Бу улар чиқарган катта-кичик манзараларда сезилапти. Тўғарак

Bo'sh vaqt — xush vaqt



аъзоси Умарали Мўминов жoriй йилда ўтказилган "Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг "Энг иқтидорли хунараманд" номинациясига сазовор бўлиб, шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллади. Худди шу танловда яна бир ёш расмолар Фахриддин Бойматов ҳам қатнашиб, шаҳар босқичида тасвирий санъат йўналиши бўйича иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

— Машқларимда ҳаётсеварлик мавзусини акс эттиришга интиляпман, — дейди тўғарак аъзоси Мафтуна Эргашева. — Устозим Раҳимжон Мамаюнусов мавзу танлашда, уни акс эттиришда тавсия бе-

риб туради. Яқинда натюр-морт жанрига қўл урдим, биринчи ўринимни бўлса ҳам, унча-мунча ўхшади.

Барча педагоглар сингари Раҳимжон Мамаюнусов ўта банд, вақт эса "зувиллаб" ўтади. Дарсларини тугатиши билан тўғарак хонасида ўзини ҳаваскор расмолар кутиб турганини ҳис қилиб, машғулотга ошиқади. Қоракўзлар даврасига кириб бора экан, кўнглидан шу ўй ўтади: "Ишқилиб, болажонларим ҳаётда қоқилмаса, келажакда жамиятдан ўз ўрнини топса, шу мен учун катта мукофот!".

Асолат АҲМАДҚУЛОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

2017-yil 28-oktabr, № 86 (9047)

Истеъдодсиз бола йўқ, аммо...

— Устоз, қаранг, Вали партага расм чизяпти!

Орқа партадаги ўқувчилар билан шуғулланаётган Моҳигул Тошмуродова олд қатордаги Валининг кўлидаги миҳни кўриб авзойи ўзгарди. Боласи тушмагур нима қилибди денг, парта суянчига ярим ой ва юлдузчалар шаклини ўйиб туширибди. Муаллима миҳни олди. 1-синф ўқувчисига тенгдошлари олдидан танбех бериб бўлмаслигини устоз яхши билади.

Танаффусга чиққач, ўқитувчи Валининг кўлига бўр тутқазиб:

— Мана шу асфальтга истоган расмингни чизишинг мумкин, — деди.

Ноқулай вазиятда қолган Вали бироз саросимага тушди. Аммо чизишга иштиёқи устун келиб, секин-аста асфальтда турли шакллари тасвирлай бошлади. Унинг эгнидаги оппоқ кўйлаги хўл бўлиб кетди, пешонасидан тер оқаётган болакайни тенгдошлари ўра олишди. Асфальт бир зумда турли тасвирларга "тўлиб-тошди". Гул ва дарактлар, бинолар, машиналар, одамлар... Ёш расмондаги ноёб иқтидорни пайкаган ўқитувчи дарсдан кейин унга оқ қоғоз ва рангли қалам тутқазиб, "Уйга борганинда ўзинг истаган нарсаларнинг расмини чизи кел" дея тайинлади. Эртасига Вали бир папка машқлари билан мактабга келди. Устози у билан дарсдан сўнг акварел-бўёқда ишлашга келишиб олди. Муаллима ўқувчига мольберт келтириб, унга бир олам қувонч ҳада этди.

Жарқўрган туманидаги 11-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Моҳигул Тошмуродованинг иқтидорли ўқувчи Вали Поёнов билан тўрт йил мунтазам шуғулланган бесамар кетмади. Ёш мусаввир "Сув ва экология" мавзусидаги расмлар танловининг илгоят босқичида фахрли ўринни қўлга киритди. Валининг сувга чикинди ташлаётган қиз ва унга танбех бераётган ўқитувчи тасвирланган ижодий иши жозибдор ва мазмули чиққанини ҳакамлар ҳайъати бир овоздан тасдиқлади. Бу аслида, боладаги иштиёқ ва иқтидорни ўз вақтида пайқаб, уни тўғри йўналтирган, қобилиятини ривожлантирган Моҳигул Тошмуродованинг меҳнатига берилган баҳодир.

Агар педагог миҳ билан партага расм солишга киришган "расмон"ни раббатлантириб, тўғри йўлга бошламаганида ёки эътиборсизлик қилганида, унинг иқтидори очилмай қолиб кетиши мумкин эди. Одатда бино деворлари ва парта-ларга шўх, тўполончи болалар боплаб шакл туширади. Шундай инсонлар борки, чизган суратига қараб ҳайратда қоласиз. Аммо у би-

рор тарихий обида ёки бино деворига чизилган бўлса, ҳафсалангиз пир бўлади. Буни фанда "вандализм" деб аташади.

Манбаларда келтирилишича, вандализм чиройли буюм, санъат ва маданият асарларини вайрон қилишга мойиллик бўлиб, инсон феъл-атворидаги руҳий бузилиш шаклларида бири саналади. Бу сўзнинг тарихий изоҳи — шафқатсиз босқинчилик, маданий бойликларга ёввойиларча муносабатда бўлишни аңлатади. 455 йилда Рим империясининг бир қисмини босиб олиб, уни вайрон қилган



қадимги герман қабилиси ушбу атаманинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Ушанда босқинчилар Римнинг қимматбахо санъат асарларини талон-тарож қилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Француз инқилоби даврида Анри Грегар ўзининг 1794 йилдаги "Вандализмнинг пайдо бўлиши ва унинг олдини олиш воситалари" номли маърузасида бу сўзни илк бор замонавий талқинда ишлатди. XIX асрга келиб, "вандализм" сўзи санъат асарлари, архитектура ёдгорликлари, маданий бойликларни вайрон қилган инсонларга нисбатан тез-тез қўлланила бошланди. Маданият вакиллари бошқа соҳа ҳодимларига нисбатан бу сўзни кенгроқ тушунишади. Вандализм онгли равишда амалга ошириладиган бемаъни ҳаракатдир. Бугун у билан шуғулланадиган кишилар жиноий жавобгарликка тортилади. Кўпгина қонун ҳужжатларида келтирилган безорилик, ҳақорат, тарихий ва маданий ёдгорликларни бузиш, мол-мулкка қасддан зиён етказиш ҳолатлари "вандализм" сифатида баҳоланиб, бунинг учун қонуний жазо белгиланган.

Автобус ўриндиги, даракт танаси, бино девори ёки тоғу тошдаги йирик харсангда акс этган гаройиб суратлар ҳар қимда турлича таассурот қолдиради. Аммо бу расмларга қараб, расмоннинг "қобилияти"га тан берамиз. Ҳатто баъзиларини ҳайратланиб томоша қиламиз. Агар шу сурат автобус ўриндиги ёки бино деворида эмас, балки қоғозда акс этса, уни бемалол санъат асари дея атасак бўларди. Тарихий

ёдгорлик сифатида қадрланадиган бинонинг неча юз йиллар илгари чизилган ноёб безагига зарар етказиш ёки хиёбондаги ҳайкалнинг бирор тана аъзосига "ўзгартириш" киритишни истайдиган безорилар вандализм балосига йўлиқшган. Девордаги гулқоғоз ёки музлатқичнинг эшигига оддийгина қалам билан гул солган бола келажакда бундан ҳам қадрироқ нарсага зарар етказиши эҳтимолдан холи эмас.

— Ёз бўйи янги ўқув йилини интиқчи кутганимиз учун биринчи куни мактабга ўзгача иштиёқ билан келдик, — дея ўқитувчилик даврини

— Худди тил ва ўйин каби расм бола ички дунёсини очиб берувчи воситадир. Ўз ички кечинма ва ҳиссиётини ифода эта олиши учун унга чизиш имкониятини яратиб бериш керак. Расм орқали бола ўз шодлиги ва дардини, кўрқув ва фантазиясини, атроф-муҳитга муносабатини ифода этади. Чизмайдиган бола йўқ, чизишни истамаган ўқувчида қандайдир стресс бўлиши мумкин. Нима чизиш ёшга боғлиқ.

Мутахассислар чизиш даврини 5 асосий босқичга ажратадилар: 2 ёшгача — ажи-бужи чизик. Бу босқич қаламни ушлай олиш давридан бошланади. Гўдак ўз қўл ҳаракатини қузатади, англрангламас ҳолатда қоғозни ушлайди. Кейинчалик унда қўл моторикаси ривожлана бошлайди. 2 ёшдан 3 ёшгача — ўйлаб топиш даври. Кичкинтой ўзи билмаган ҳолда нималарнидир чизиб, атроф-муҳитдаги буюмлар билан солиштиради ва расмига ном беради. 3 ёшдан 4 ёшгача — янги ҳаракатлар даври. Бола ҳаёлида жонланган буюмни берилиб тасвирлашга киришади. 4 ёшдан 10 ёшгача — ҳаёлий чизиш босқичи бўлиб, фарзандимиз буюмни кўрганидек эмас, у ҳақда билганча чизади. Яъни, уй чизса, кўриб турган биносигина эмас, балки уй ичидаги одам ва буюм ҳам унинг назаридан четда қолмайди. 10 ёшдан кейингиси — борлиқни англаб чизиш давридир. Бу босқичда бола катталардек чизиши мумкин. Энди у буюм, одам, ранг ва шакли ўзига ўхшатиб, ранглари маълум бир қонда асосида бўйя бошлайди.



Kuzatuv

— ақлий ривожланиш аниқланади: чизаётган расми ўртача, нормал кўрсаткич билан солиштирилган, унинг ривожланиш даражаси кўрилади;

— психологик ҳолати қандай: руҳий олами заиф бўлса, бола чизишни истамайди ёки буюмни қайта-қайта чизаверади;

— кайфияти қандай: бола танлаган буюм, ранги, шакл, катта-кичиклигига қараб унинг ички кечинмаларига баҳо бериш мумкин. Нимадандир хафа ёки касал бола тўқ рангни ишлашга мойилроқ бўлади.

Бола она қорнидан айрим наслий белгилар билан тугилади. Қизиқиш ва интилиш ўз вақтида пайқалиб, тўғри йўналтирилса, натижа шунга яраша бўлиши мумкин. Фарзанднинг бирор соҳага мойиллигини пайқаган ота-оналар эришаётган муваффақиятлар бунинг нечоғли ҳаққоний ҳолат эканлигини кўрсатади.

— Икки йил олдин Самандарни ота-онаси тўғаракка олиб келди, — дейди "Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёт марказининг "Тасвирий санъат" тўғараги раҳбари, Ўзбекистон бадиий академиясининг ижодкорлар уюмисси аъзоси Шухрат Аъзамхўжаев. — Болада истеъдод учқунлари борлигини пайқадим. Унинг чизган расмларини кўриб, сесканиб кетдим. Ваҳшийликлар акс этган сурат мени кўрқувга солди. Ота-онаси Самандарнинг компьютер ўйинларига берилиб кетганини айтган, бунинг сабаби ойдинлашди. Унга расм чизиш техникасини оддий элементларидан бошлаб ўргатдим. Ўсмирга расм чизишни таққилаб бўлмайди, руҳи синса, қизиқиши йўқолади. Оз фурсатдаёқ бола ўзгарди. Энди у ёрқин ранглardan фойдаланар, чизган расмлари ҳам киши кайфиятини кўтариб, қувонч улашарди. Кутганимдек, у гўзаллик оламига қадам қўя бошлади! Туман ва шаҳар миқёсидаги танловларда фахрли ўрин олиб қайтган ёш мусаввирдан ота-онаси мамнун. У компьютер ўйинларидан узоқлашди. Ҳозир Самандар Республика рассомлик касбхўнара коллежиде ўқияпти, келажакда рассом бўлмоқчи.

Шухрат Аъзамхўжаев ҳар ойда бир марта тўғарақ аъзолари кўргазмасини ташкил қилади. Фаол ўқувчиларни рангли қалам, қоғоз, фахрий ёрлик билан раббатлантиради. Кўргазмага устози бошчилигида борган ўсмирлар кейинги машғулота "жон-жон" деб келадилар. Уларни четдан қузатган киши завққа тўлади.

Ҳар қандай болада рассомлик қобилияти бор. Шундай экан, дилбандимиз чизаётган ҳеч бир тасвир эътиборимиздан четда қолмаслиги, ундаги иқтидор вандализм бўлиб эмас, ҳақиқий ижодқорона руҳ сифатида ривожланиши зарур.

Расмлар орқали қуйидаги ларни билиш мумкин:

Райҳона ХҲЖАЕВА, "Ma'rifat" муҳбири

Ҳайбатли тўғонлар



Инсониятни ўз ҳайбати билан ҳайратга солувчи айрим улкан сув тўғонлари нафақат ўз вазифасини бажармоқда, балки шаҳарлар учун безак ва томоша масканларига ҳам айланган.

Манбаларда келтирилишича, дастлабки тўғонлар бундан юз йиллар илгари Ўрта Шарқда курилади бошланган. Улар кичик деворлардан иборат бўлган ва ҳозиргилардан анча фарқ қилган. Замонавий тўғонлар ҳажми аввалгиларидан анча баҳайбат бўлиб, кенг камровли функцияларни бажаради. Яна бир нозик жиҳати — уларни барпо этишда узоқ вақт ва машаққатли меҳнат ҳамда улкан маблағ талаб этилади.

Гигант тўғонлар ўз ҳажми, баландлиги ва бақувватлиги, меъморий ечими билан сайёҳлар оқимининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Кўхна қитъа гиганти

Испаниянинг Саламанка шаҳрида барпо қилинган Алмендра тўғони баландлиги 202 метр, кенглиги эса деярли ярим километрни ташкил қилади. Алмендра дунёга Вильярино номи билан ҳам машҳур.

Тормес дарёсини тўсиб турувчи мазкур тўғон 1964—1970 йилларда куриб битказилган. Алмендра деб номланган кичик қишлоқ яқинида қад ростлаган бу тўғон Дуэро Дропс гидроэлектростанциясининг асоси ҳисобланади. Тўғон ёрдамида вужудга келган муаззам сув омбори 86,5 квадрат километр жойни эгаллаган бўлиб, ўзида 2,5 миллиард куб-метр сувни жамлай олади.

Тўғон Вильярино электростанциясини тоннель орқали сув билан таъминлаб туради. Тоннель ер остида, тўғондан тахминан 14 километр ғарбда жойлашган. Электростанциядан чиқарилган сув эса Дору дарёсига қуйилади. Электростанциянинг энергия ишлаб чиқариш қуввати 810 МВт бўлиб, у 1977 йилда фойдаланишга топширилган.

Мустаҳкам «сув девори»

АҚШнинг Аризона штатида жойлашган Глен-Каньон сув тўғони ҳам буй-басти билан донг таратган. Пейж шаҳри яқинидаги ушбу бетон тўғон Колорадо дарёсининг бир қисми ҳисобланади.

Глен-Каньон АҚШ мелиорация бюроси (USBR) саъй-ҳаракати билан 1956—1966 йиллар мобайнида курилган бўлиб, улкан сув иншоотининг баландлиги 220 метрга етади. У 27 миллион акр (33 куб километр) ҳажмдаги Пауэлл кўлини ҳосил қилган. Ушбу суний кўл мамлакатдаги энг йирик сув омборларидан бирidir. Кўл номи 1869 йил-

да биринчи экспедициясини Колорадодаги Гранд-Каньондан бошлаган америкалик сайёҳ Жон



Уэсли Пауэлл шарафига қўйилган. 1983 йилда рўй берган кучли сув тошқини натижасида тўғон очилиб кетиш хавфи пайдо бўлган ҳамда сув йўлидаги аҳоли эвакуация қилинган. Аммо одамлар бахтига, иншоот тошқин босимида дош бериб, ўзининг мустаҳкамлигини кўрсатган.

Икки ирмоқ бирлашган дара

Гондурас ғарбида қад ростлаган сув иншооти халқ тилида «Эль-Кайон», расмий доираларда эса «Франсиссо Моразан марказий гидроэлектростанцияси» деб юритилади. Тўғон Хумуя ва Сулако ирмоқлари бирлашувидан ҳосил бўлган Комаягуа дарёси бўйида барпо этилган.

Эль-Кайон параболик симметрияга эга икки арка шаклида курилган. Бундай тақсимот унинг сув босими-ни тенг ушлаб туришига ёрдам беради. Иншоот баландлиги 234 метр бўлиб, 1980—1986 йилларда бунёд этилган.

Эль-Кайон Шимолий ва Жанубий Америкадаги энг баланд сув тўғонлари рўйхатида бешинчи ва дунё бўйича олтинчи ўринда. Меъморий ечими ва аҳамияти жиҳатидан алоҳида ажралиб туради.

Тўғондаги ёриқлар

Саяно-Шушенск ГЭСи Россиянинг энг мустаҳкам гидроэлектростанцияси ҳисобланади, дунёда тўққизинчи ўринни эгаллайди. У Красноярск ўлкаси билан Хакасия чегарасидан оқиб ўтувчи Энасой дарёси ўзанида жойлашган.

Станциядаги ноёб гравитациявий тўғон 242 метр баландлиқка эга бўлиб, унинг номи Саян тоғлари ҳамда Шушен қишлоғидан олинган (қишлоқ станция яқинида жойлашган).

1963 йилда бошланган Саяно-Шушенск ГЭСи курилиши 2000 йилда расман якунланди. Гидроэлектростанциясини куриш ва ишга тушириш жараёнида тўғонда ёриқлар

Тўғон гидротехник иншоот бўлиб, сув омборларини барпо этишда фойдаланилади. Сув тўғонларидан қадимда қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан, суғориш ишларида, кейинчалик электр энергияси ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилган. Бугун дунёнинг турли бурчакларида замонавий тўғонлар барпо этилган бўлиб, улар стратегик аҳамиятга эга.

пайдо бўлди. Бироқ катта ишчи кучи ва маблағ эвазига белгиланган муддатдан сал кечикиб бўлса-да, сув иншооти фойдаланишга топширилди. Аммо 2009 йил 17 августда станцияда мамлакат ГЭС курилиши тарихидаги энг катта авария содир бўлди. Ёриқлар билан боғлиқ муаммо етарлича барта-раф этилмагани ўз «иши»ни кўрсатди. Шун-

дан сўнг станция бўшатилиб, 2014 йил 12 ноябргача қайтадан таъмирланди.

Кинога «кўчган» фалокат

1961 йилда Италиянинг Беллуно шаҳрида курилган Ваэнт тўғони бежирим архитектураси билан дунёнинг чиройли тўғонлари рўйхатига киритилган. У нафақат гўзал кўриниши, балки баландлиги (261 метр) билан ҳам сайёҳларни ром этади. Тўғон Пьяве ирмоғидан тўйинадиган Ваэнт дарёсида, Монте Ток тоғлари яқинида барпо этилган.

Афсуски, инсон қўллари билан курилган улкан иншоотлар ҳар доим ҳам қувонч келтирармайди. 1912 йили Атлантика океанига ғарқ бўлган «Титаник» кемасини эсланг. 1963 йилда эса ана шундай фожиа Ваэнт тўғонида ҳам содир бўлди. Бу дунё гидротехника иншоотлари тарихидаги улкан бахтсиз ҳодисадир. Фалокатга нефть захирасида содир бўлган портлаш сабаб бўлди.

Бу бутун дунёни чуқур ўйга толдирди. Навбатдаги сув омборлари куришда эҳтиёткорлик ва хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Ўтган йилларда ушбу ҳалокат ҳақида ҳатто «Vajont: La diga del disonore», (2001 й.) «Фалокатгача сониялар» (2012 й.) каби фильмлар ҳам суратга олинди.

Курилишга доир дастлабки лойиҳага қўра, сув омбори тўғонининг ҳажми 0,169 км³ бўлиши керак эди. Бироқ 1963 йилдаги фалокатдан сўнг сув ҳавзасининг катта қисмини авария натижасида ҳосил бўлган кўчкилар тўлдириб қўйиб, сув омбори сизими кичрайди.

Музликлар эриб оққанида...

Клезон-Диксенс (французча Cleuson-Dixence) Рона дарёси хавзасида барпо этилган сув омборлари, гидроэнергетика иншоотлари, насос станциялари ва гидроэлектростанцияларни ўз ичига олган гидроэнергетик мажмуа.

Bilasizmi?

Унинг асосий тўғони Гранд-Диксенс (французча Barrage de la Grande-Dixence) бўлиб, Диксенс дарёсидаги Дикс сув омборида барпо этилган. Сув ҳавзасининг чуқурлиги 284 метр. Ёз ойларида сув асосан музликларнинг эриши ҳисобига кўпаяди ва сентябрь ойларида максимал даражага етади. Аммо сув ҳажми апрель ойига келиб кескин камайиб кетади.

Швейцарияда жойлашган мазкур бетон тўғоннинг узунлиги 700 метр, кенглиги эса 200 метрга тенг. Конструкцияси бўйича тўғон 6 миллион кубометр бетондан иборат. Албатта, бу унинг нечоғли мустаҳкамлигидан дарак беради. Сув босимида чидамлилик даражасини ошириш мақсадида кўшимча деворлар ҳам курилган. Жумладан, изоляция қатлами 200 метр чуқурликда, қиялик қатламлари эса 100 метр қалинликда курилган деворлар мавжуд.

Комплекс тармоқ гидроэлектростанцияларига эга ва сувни асосий ўзандан тармоқлаб чиқариш насос станциялари ва умумий узунлиги 100 км бўлган тоннеллар тизими орқали амалга оширилади. Сув омбори сатҳи музликлардан ташқари, яна тўртта насос станциясидан келадиган сув ҳисобига ҳам кўтарилади. Дарвоқе, Клезон-Диксенс 1950—1964 йилларда куриб битказилган.

Энг йирик «сувтўсар»

Хитойда қад ростлаган «Цзиньпин-1» тўғони сайёрамиздаги энг баланд сув иншооти сифатида эътироф этилади. Тўғон Сичуань провинциясидан оқиб ўтадиган Ялонг Цзян дарёсидан сув ичади. Ушбу улкан лойиҳа курилиши 2005 йилда бошланиб, 2014 йилда якунига етказилган. У ердаги ГЭС қуввати 3600 МВт бўлиб, дунёда тенгсиз ҳисобланади.

Тўғон дунёдаги энг чуқур — 305 метрлик сув ҳавзасини тўсиб туради. Ушбу лойиҳа шаҳарни санюлаштириш ва урбанизация жараёнини кенгайтириш, сув тошқинлари ҳамда эрозиянинг олдини олиш, аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадларига хизмат қилади.

Бўйи 305 метр, узунлиги 568 метрга тенг тўғонда 7,7 миллиард кубометр сув мавжуд. Турли кўнглик музликлар манбаи бўлмиш тошқинларнинг олдини олиш мақсадида тўғоннинг тепа қисми сув оқимини назорат қилиб турувчи тўрт эшикли дренаж, яъни бетондаги захни куриштиб турадиган курилма билан жиҳозланган. Электростанциядан чиқариб юборилган сув эса маълум вақт ўтиб «Цзиньпин-2» электростанциясига қуйилади. Мазкур лойиҳа курилишига Ялонг дарёси гидроэнергетикаси билан шуғуланувчи йирик компания раҳбарлик қилади.

ЎзДЖТУ талабаси Эъзоза НАЖИМОВА тайёрлади.

2017-yil 28-oktabr, № 86 (9047)

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига
2018 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул
эълон қилади:**

Докторантурага:

05.08.06 — “Гилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш” — 1 ўрин;

Таянч докторантурага (PhD):

05.02.01 — “Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси” — 1 ўрин;

05.08.06 — “Гилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш” — 2 ўрин;

05.09.02 — “Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлар, кўприклар ва транспорт тоннеллар, йўллар, метрополитенлар” — 1 ўрин.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- сўровнома;
- тиббий маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратура дипломи, фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференция, семинар ва давра суҳбатлари тўпламларида фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчи сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй, 6-хона.
Телефон: (0-371) 232-15-34.**

Бепарво бўлмайдик!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорликлар асносида аҳолининг меҳнат самарадорлиги ошмоқда, халқимиз турмуш тарзи, яшаш шароитлари кун сайин юксалмоқда.

Бунёдкорларнинг пешона тери эвазига бунёд этилган бино ва иншоотлар, аҳоли турувжойларини ташқи хавф-хатарлардан, хусусан, ёнғин балосидан асраш ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари қатори шу юрtdа яшаётган барча фуқаронинг бурчидир.

Газ ҳамда электр тармоқлари корхоналари ходимлари билан биргаликда ўтказилаётган «Хонадон» тадбирларида доимий равишда хонадонларга бориб, ёнғинларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, тураржой эгалари билан бирга камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, энг муҳими, арзимасдек туялган бепарволик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу орқали фуқароларни огоҳлик ва ҳушёрликка, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишга ундаяпмиз.

Кичик бир иморат барпо этиш, муъжазгина хонани таъмирлаш анча меҳнат ва маблағ талаб этади. Шундай экан, барча юртдошларимизга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиб мол-мулкнинг ва ҳаётигизни ўт балосидан асранг, деб қоламиз.

Ф.ХОЛИКУЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бўлини
бошлиғи, майор,
К.БОЙБАБЕВ,
Б.ТУРДИАЛИЕВ,
Зангиота туман ЁХБ инспектори,
Ф.РАҲМОНКУЛОВ,
Сергели туман ЁХБ инспектори

Акбаров Авзал Нигматуллаевичнинг 14.00.21—Стоматология ихтисослиги бўйича «Тиш тўлиқ мавжуд бўлмаганда тиш-жағ тизимида клиник-функционал ўзгаришлар ва ортопедик стоматологик ёрдамни оптималлаштириш» (тиббий фанлари) мавзусидаги докторлик диссертациясининг (DSc) ҳимояси Тошкент тиббий академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.30.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 9 ноябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100105, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (0-371) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.

Хасанов Шавкат Турсунқуловичнинг 08.00.04—Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ихтисослиги бўйича «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги (иқтисодиёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат аграр университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.10.03 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 10 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй.

Тел.: 237-46-68, факс: 237-38-79; e-mail: admin@tiame.uz.

Бахадиров Қудратхон Ғайратовичнинг 05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси ихтисослиги бўйича «Листли металлларни совуқ прокатлаш жараёнини такомиллаштириш» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Илом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, 205-хона. Тел/факс: (0-371) 246-46-00, 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz.

Расулов Алишер Хакимовичнинг 05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси ихтисослиги бўйича «Қуқун металлургияси услуги билан қаттиқ қошиқчилик қилиш қўлини роликларини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Илом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.


Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, 205-хона. Тел/факс: (0-371) 246-46-00, 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz.

Мирсайдуллаев Мирзоулугбек Мирмахмудовичнинг 14.00.06 — Кардиология ихтисослиги бўйича «Юқори хатар гуруҳини ташкил қилувчи ОИВ билан инфидирланган аҳоли орасида предгипертензия ва артериал гипертензиянинг тарқалиши, клиник кечиши, фармакотерапияси, профилактикаси хусусиятлари» мавзусидаги (тиббий фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 8 ноябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (0-371) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.

Давлатов Олим Давлатовичнинг 10.00.02 — Ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича «Алишер Навоий шеърятини Куръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини» мавзусидаги (филология фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 9 ноябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел/факс: (0-366) 239-11-40, 239-18-92; e-mail: rector@samdu.uz.



Палов дамлаш санъати

Дарвоқе, палов — ўзбек халқининг сеvimли таоми. Юртимизда унинг 40 дан ортиқ тури тайёрланади; қовурма (Фарғона), ивита, майизли (Тошкент), бедана гўшти, қазили, беҳили, софаки, қорма (Қашқадарё), угра (Сурхондарё) ва ҳоказо. Палов тўймаърака, байрам ва сайилларда дамлашиб, дастурхонга тортилиши қадимий урф-одатларимиздан. Моҳир ошпаз тайёрлаган ошнинг мазаси оғизда қолади. "Тўй оши"га марҳамат!" деган ёзув-реклама баъзи умумий овқатланиш шохобчаларида хўранда кўпайиши учун имкон яратади. Дошқозонда ош дамлаш эса ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди, буни обдон ўзлаштирган киши ҳаммаша эл хизматида юрганидан ўзини бахтиёр сезади.

— 20 йилдирки, буюртма асосида ош дамлайман. Дошқозонда палов пиширишнинг ўзига хос сири бор. Бу ишга ўқувчи ва лаёқати бўлган кишигина дошқозон билан "дўстлаша" олади. Катта ошни дамлаб, тўй эгасини хурсанд қилиб кишиларнинг раҳматини эшитаман, деган инсон, албатта, пок ниятда қозонга яқинлашади. Масалликларни оби тобида меҳр билан пиширсак, хўрандага мазали ош тортиқ қиламиз. Наҳорги ош учун зарурий масалликларни тақлиф этилган кишилар сонига қараб мўлжаллаймиз. Баъзан ортиб қолган ошни тўй эгаси меҳрибонлик уйлари ёки

қариялар пансионатида бериб юборади. Зомин тумани ҳудудидаги "Мархабо", "Файз", "Наврўз", "Машъал" каби тўйхоналарда ош дамлаб, элнинг дуосини олиб келаётганимдан мамнунман. Тайёрлаган ошдан қанчалик кўп киши баҳраманд бўлса, ошпазга шунчалик кўп савоб

ёғилади, — дея ҳикоя қилади Жиззах вилояти Зомин туманида истиқомат қилувчи уста ошпаз Асқарали Турсуналиев.

Элга дастурхон ёзиш орзуси

Вилоятларда тўй-маъракалар муносабати билан кундузи ош тарқатилса, Тошкент шароитида наҳорги ош афзал кўрилади. Айниқса, қиз узатадиган хонадон эгаларининг элга ош бериши нафақат боқий аънава, балки бир-бири билан кўлдан бери кўришолмай юрган кишиларнинг дийдорлашувига ҳам айланади. Аммо урф-одат деб ҳаддан зиёд дабдабали тарзда ош бериш такаббурлик ва манманликдан бoshqa нarsa эмас.

Фарзанди вояга етган ўзбек келин тушириш, қизини узатиш ниятида элга ош бериш орзуси билан яшайди. Тошкент шаҳридаги 276-умумтаълим мактабининг биология фани ўқитувчиси Дилшод Аъзамов жорий йилнинг 22 августида

иккинчи қизи Дилёрани узатиш олдидан яқин кишиларини наҳорги ошга чорлади. Нияти холис экан, дошқозонга дамланган ош етмай ҳам, ортиб ҳам қолмади.

— Жарариқ маҳалласидаги "Ипакчи" тўйхонасида етармикан ёки ортиб қолмасмикан, деган тахминда ошпазга 40 килограмм гуруч дамлатдик. Қозонда ортиб қолган таомнинг бир қисмини қуда томонга илдиндик. Битта тоғорада эса ҳамкасбларимга жўнатдим. Дастурхонга асосан хўл мева, қовун-тарвузани кўпроқ қўйдик. Камтарона, дабдабадан холи наҳорги ошда мен учун энг муҳими, қизимнинг бахтли-саодатли бўлиши учун қилинган дуодир. Айрим наҳорги ошларга борсақ, тропик мева-лардан тортиб, қовурилган балиқ-қача қўйишади. Лекин ёшларнинг бахти моддий нарсалар билан ўлчанмаслигини ҳамма ҳам тушунмайди, — дейди тўй соҳибчи.

Хорижликлар хайрати

— Самарқанд туризм шаҳри бўлгани учун кўплаб сайёҳлар келиб-кетади. Хорижликлар делегацияси таркибида юртимизга келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик инсти-

Boqiy qadriyatlar

дай воқеалар жуда кўп, — деб эслайди Самарқанд вилояти ҳокимлигининг "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев.

Маърака тарбияга чорлайди

— Ислмо таълимотига кўра, амри маъруф ишлари яхши йўлга қўйилган жамиятда осойишталик, тинчлик ҳукм суради. Фазилатга эришиш разолатга кетишдан кўра енгил кечади. Адолат зулмдан устун туради. Оллоҳнинг улуғ неъматини — исломга муяссар бўлган бандалар жамоаси — мусулмон умматига амри маъруф фарз қилинди. Агар уммат бoshqa фарзлар қатори буни ўз ўрнида адо қилса, бахт-саодат эшиклари унга ланг очилади. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий вакили сифатида кўпинча наҳорги ошга тақлиф этиламан. Аввало, оила кураётган ёшларнинг ўтиб кетган яқинлари ҳақиқига Куръон тиловат қилиб, кўёв ва келин зиммасига юкланадиган вазифалар хусусида маъруза қиламиз. Киши ёмонликни қанчалар кўп инкор қилиб қайтарса, шунчалик иймони зиёда ва бақувват бўлишини тўй-



маърака иштирокчиларига тушунтиришимиз керак. Аксинча, ёмонликни инкор қилиш қанчалик оз ва кучсиз бўлса, иймони ҳам шунчалик заифлашишини билган инсон бунга йўл қўймайди. Омма йиғиладиган жойда амри маъруф тадбирининг ўтказилиши, катта-кичикнинг

бир-бирига мулозамат кўрсатиши, дастурхон устида қилинган дуо, ўтганларнинг ёд этилиши, ёшларга инсоф-диёнат, қарияларга иймон-этиқод тиланиши тўйхонада тарбиявий муҳитни вуҷудга келтиради. Ёшлар ўзидан катталарнинг юриш-туриши, муомала маданиятига қараб инсоний фазилатларни ўзлаштиради. Ёки ноҳилоз хатти-ҳаракат уларни тўғри хулоса чиқаришга ундайди, — дейди Юнусобод тумани бош имом хатиби Раҳматуллох Сайфуддинов.

Хулкар ТҲЙМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Муаллима ҳар бир мавзунини содда тушунтиришга иштилади. Айниқса, кимёвий элементлар ва уларнинг бирикмалари формуласини ҳаётини мисоллар орқали баён этади. Сув — аква, гидрат, ош тузи — натрий хлор, шакар — дисахарид, темир — феррум...

Дарсинг кейинги босқичида ўқувчилар эгаллаган билимларини кимёвий тажриба ёрдамида мустаҳкамлайди. Ўқитувчи пассив ўқувчиларни фаоллаштириш учун ўзига ёрдамчи этиб белгилайди. Улар пробирка, колба, мензурка каби лаборатория анжомларини узатиб, жараёнда бевосита иштирок этади.

Бу — кимё фани ўқитувчиси Мунира Раҳмонқулованинг иш тажрибасидан бир лаҳза. Устоз Олмазор туманидаги 1-мактабда 40 йилдан бери ёшларга кимё

фани сир-синаотларини ўргатиб келмоқда.

— Кимё — мўъжизавий фан. Дарсин ҳаётга боғлаб, ўқувчиларнинг фанга қизиқшини оширади, — дейди Мунира Раҳмонқулова. — Ўғил-қизларни рағбатлантиришда ўзим яратган баҳолар усулидан кенг фойдаланаман. Паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга 10 та элемент ёд олгани учун 5 балл, 20 та элемент учун иккита 5 балл қўяман. Мен делеев даврий жадвалидаги элементларни ёд олишда бу усул самара беради.

ЗАРРАЛАР ИЛМИ



Лаборатория машғулотларини кўп ўтказиш мавзунинг ўқувчи хотирасида мустаҳкам сақланишига имкон яратади.

Устозига ҳавас қилиб, у каби фаолиятини шу соҳада давом эттираётганлар бисёр. — Мунира Раҳмонқулова синф раҳбаримиз бўлган, — дейди муаллиманинг шоғирди Мухаббат Ҳошимхўжаева. — У кишининг дарс ўқиш усули ва муомаласи илк кундаёқ эътиборимизни жалб этган. Ҳар биримиз билан алоҳида шуғулланарди.

Ta'lim fidoyilari

Тез орада синфимиз "Илғор синф" дея эътироф этилди. Шўҳ ва тўполончи синфдошларимиз ҳам ижобий томонга ўзгарди. Устоз дарсдан сўнг паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан алоҳида ишлагани сабабли самарадорлик ўсди. Бугун ёш авлодга билим беришда у кишининг маслаҳатлари менга кўмак бўлмоқда.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

2017-yil 28-oktabr, № 86 (9047)

Синфда пухта ўзлаштирилган билим

спортчи ўқувчиларнинг майдондаги ютуғини кафолатлайди

Кармана туманидаги 10-мактабнинг тажрибали jismoniy tarbiya ўқитувчиси Озоджон Маннонов дарс ва тўғарақларда ўқувчиларни амалий машғулотларга жалб этишдан олдин назарий билим ва кўникмаларини оширишга эътибор қаратади, излашлардан эринмайди. Методбирлашма раҳбари сифатида ҳамкасбларини ҳам ўз вазифасига масъулият билан ёндашишга ундайди.

Ўқувчилик йиллари устози Фурқат Қурбонов раҳбарлигида шотакан каратэ-до билан шуғулланиб, қатор нуфузли мусобақаларда ютуқларга эришган, бугун мураббий бўлиб, ёшларга jismoniy tarbiyaдан сабоқ бераётган Озод Маннонов ўз касбининг билимдони.

— Jismoniy tarbiya фанининг асосий мақсади ўғил-қизларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб воёга етишига кўмаклашиш, — дейди О. Маннонов. — Ҳар бир амалий машғулотни назарий билимларга таянган ҳолда ўтиш керак. Шунинг учун дарсларимда турли қизикarli усуллардан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Jismoniy tarbiya фанини замонавий педагогик технологиялар ёрдамида ўтиш учун интернет манбалари, видеоликлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, "Такдимот" усулини мустаҳкамлаш дарсларида қўллаб тураман. Ўқувчи спорт турларининг ҳар бир элементини назарий жиҳатдан ўрганиди, амалий жиҳатдан кўрсатиб беради. Иккинчи ўқувчи эса унга кўшимча қилиб, тўлдирди. Бу усулдан фойдаланилса, ўқувчиларда ҳозиржавоблик, ўзини кўрсатиш, ташаббускорлик каби хислатлар шаклланади.

"Имконият" усулида ўқувчилар мавзу доирасида тест саволлари тузишда ва ўзлари мустақил изланиб, янги, синфда ўрганилмаган маълумотларни тўплаб боради. Бунда ўқувчи синфда ўқитувчи вазифасини қисман бажариш имкониятини қўлга киритади ва машғулот давомида ўқитувчининг "ўнг қўли"га айланади. Ҳар бир спорт тури ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, бадминтон спортчидан эпчил-

лик, чаққонлик, эгилувчанлик ва зийракликни талаб этади, тана мушакларини чиниқтиради, бадминтон тўпини кузатиш асносида кўз мушаклари ҳам ҳаракатланиб, кўриш қобилияти яхшиланади, қолаверса, танани ортқича вазндан халос этади.

Яқунланган мусобақаларни синфда, тўғарақ машғулотларида муҳокама этиш ҳам самарали усуллардан бири. Масалан, "Умид ниҳоллари" спорт фестивалининг мактаб босқичи ёки "Ёз—2017" спорт мусобақалари натижаларини ҳар бир ўқувчи ўзича таҳлил этиши ва ютуқ-камчиликлар сабабини изоҳлашни уйга вазифа қилиб бераман. Бажариш услуби эса ихтиёрий бўлади. Кимдир сўзлаб беради, кимдир бунда АКТ технологияларидан фойдаланади ёки спорт инвентарлари ёрдамида кўрсатиб беради.

Қисқаси, ўқувчиларда назарий билимлар борасида бўшлиқ пайдо бўлмаслиги зарур. Чунки спорт сирини тўғри ва тез ўзлаштириш учун пухта назарий билимга эга бўлиш керак. Аини пайтда руҳий тарбия ҳам шунинг ичига қиради. Ахир педагог фақат бўлажак спортчиларни эмас, балки келажакда ҳаётнинг ўқир-чўқир йўлларини босиб ўтадиган шахсни тарбиялаётганини унутмаслиги керак.

Ойбуви ОЧИЛОВА, «Ma'rifat» мухбири



ЭНГ ҚИММАТ БРЕНД

Швейцариялик теннисчи Рожер Федерер 2017 йил давомида жаҳон спортидаги энг қиммат ном (бренд) бўлгани ҳақида «Forbes» журнали хабар берди.



«Federer» бренди 37,2 миллион долларга баҳоланмоқда. Бу борада 2-ўрин америкалик баскетболчи Леброн Жеймс (33,4 миллион)га, 3-ўрин ямайкалик спринтер Хусайн Болт (27 миллион)га насиб қилди.

«Энг қиммат брендлар» ўнталигида футболчи К.Роналду (Португалия) 21,5 миллион, гольфчилар Ф.Микельсон 19,6 ва Т.Вудс (иккови ҳам АҚШдан) 16,6, крикетчи В.Кохли (Хиндистон) 14,5, гольфчи Р.Макилрой (Ш.Ирландия) 13,6, футболчи Л.Месси (Аргентина) 13,5 ва баскетболчи С.Карри (АҚШ) 3,4 миллион долларга тенг бренд соҳибига дея эътироф этилган.

ДЕОНТЕЙ БОКСДАН КЕТМОҚЧИ

Бокс бўйича суперогир вазн тоифасида Жаҳон боксчилар кенгаши (WBC) чемпиолик камари соҳибига, америкалик Деонтей Уайлдер боксдан кетиб, аралаш яккакураш (ММА)га ўтмоқчилиги хусусида ESPNга интервью берди.

Гап шундаки, 32 ёшли чарм қўлқоп соҳибига канадалик Бермейн Стивенерга қарши химоя жангини ўтказди. Агар мазкур муштрашувда Бермейндан енгилса, Деонтей бу режасини амалга оширади.

Эслатиб ўтамиз, Д.Уайлдер аслида 4 ноябрь кунини Нью-Йоркда кубалик Луис Ортисга қарши рингга чиқиши лозим эди. Бироқ допинг билан боғлиқ можаро туфайли у «ўйин»дан чиқди. Қизиқ томони шуки, Луисгача бўлган даъвогарлар — россиялик А.Поветкин ва польшалик Мариуш Вах ҳам айнан допинг-тест туфайли тўхтатилганди.

Шу тариқа унинг ўрнига Б.Стивенер номзоди маълумланди.

ЖАҲОН РЕКОРДИ ЯНГИЛАНДИ

Австралиялик Кейт Кэмпбелл мамлакат чемпионатининг 100 метрга эркин сузиш баҳсида янги жаҳон рекордини ўрнатди, дея хабар тарқатди «ТАСС».



Кейт белгиланган масофани 50,25 сонияда босиб ўтиб, олтин медалга сазовор бўлди. Унга қадар хотин-қизлар ўртасида бу борада швейцариялик Саре Шестрем (50,58) рекордчи ҳисобланган.

Дарвоқе, К.Кэмпбелл олимпия ўйинларида икки мартадан олтин ва бронза, бир марта кумуш медал соҳибига бўлган. Шунингдек, у икки карра жаҳон чемпиони ҳамдир.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Жисмоний иммунитет манбаи

Дам олиш кунини мароқли ўтказиш мақсадида фарандаларим билан пойтахтимиздаги Бобур номидаги экопаркка бордик. Боғ ниҳоятда сокин, шовқин-сурондан холи, кўнглига алақандай хотиржамлик беради. Аммо ҳаммасидан кўра, боғда ташкил этилган мини футбол, стол тенниси, волейбол, баскетбол майдончалари, велосипед ҳайдашга мўлжалланган маҳсул йўлакчалар эътиборимни тортди. Бу ерга келган инсонлар нафақат хушманзара табиат қўйнида мароқли дам олади, балки дўстлари, яқинлари билан қизқарли спорт ўйинларида қатнашиб руҳий ва жисмоний тетикликни ҳис этади.

Бугун юртдошларимиз орасида фарзандини болайтирдан бирор спорт тури билан шуғуллантириб, jismoniy tarbiya чиниқиб улғайишини истаётган ота-оналар сони ортиб бормоқда. Шунданми, мамлакатимизда ёш авлод саломатлиги учун ташкил этилган спорт мактаблари ва тўғарақлари спортсевар ўғил-қизлар билан гавжум. Туманларда барпо этилган сунъий қопламали футбол майдонларини айт-



Muxlis mulohazasi

майсизми, бундай кўркам ва ёруғ майдонларда губоринг ёзилгунча тўп тенгинг келади.

Истиклол йилларида фаолият юрита бошлаган болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан олиб борилаётган ишлар, болалар ва ўсмирларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишини кўзлаб очилган замонавий тип-

даги спорт иншоотлари соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор берилётгани тасдиғидир. Бугунги кунларни болалик даврларим билан солиштирар эканман, мустақиллик фарзандларига ҳавасим ортади. Спортнинг турли йўналишларида Осие ёки жаҳон чемпионилигини қўлга киритган ўғил-қизларимизга «Офарин!» дейман.

Спортнинг ўзига хос талаби бор — у кучсизларни ёқтирмайди. Чинакам спортчига айланмиш куч болалиқдан jismoniy tarbiya билан шуғулланиш, immunitetни мустаҳкамлаб бориш лозим. Jismoniy tetik, bardam кийини унча-мунча касаллик енга олмайди. Jismoniy tarbiya руҳий мувозанатни ҳам сақлаб туради. Тонгни бадантар-

бия, югуриш, енгил спорт машғулотлари билан бошлаш, юрак-қонтомир тизими фаолиятини яхшилайдиган, организмнинг касалликларга қарши қурашувчанлигини ошириб, танани кучсизликдан асрайди. Jismoniy tarbiya, хусусан, спорт билан мунтазам шуғулланган киши кун давомида ўзини тетик ҳис қилиб, олдига қўйган мақсадлари сари дадил ҳаракатланади.

Бугун спортни маҳкам тутиб, шу соҳада юқори марраларни қўлга киритаётган ўшларимиз талайгина. Уларнинг интилишини кузата туриб бир нарсани ўйлайман — ёшлар яратилаётган имкониятлардан чексиз миннатдор. Шунинг учунми, улар ўзларига қаттиқ ишониб олдига, фақат олдинга интилишмоқда!

Мансур ЮНУС

Мухтарам устоз Ойшаҳон Тўраева!

Кўтлўғ 90 ёшингиз муборак бўлсин!

Сиз 60 йилдан ортиқ Низомий номидаги ТДПУда талабаларга педагогика илми ва одамийликдан сабоқ бердингиз. Педагогика фанлари номзоди, профессор бўлиб, "Одобнома" дарсликлари, ўнлаб рисола, монография, юзлаб мақолалар муаллифини сифатида ном қозондингиз. Республикамининг турли вилоятларида, пойтахтда минглаб шогирдларингиз берган билимларингизни амалда қўллаб, згулиқ уругини сочмоқда. Аини кунда ҳам иход билан машғулсиз.

Сизга соғлиқ, бахт, набаралар, шогирдлар ардоғида юришингизни тилаймиз!

Ҳамкасб ва шогирдларингиз.

Boshlang'ich ta'lim



Jurnalga obuna bo'lsangiz:

- boshlang'ich ta'lim sohasida yurtimiz va jahondagi so'nggi yangiliklardan xabar topasiz;
- ilg'or ta'lim uslublari, zamonaviy axborot texnologiyalarini darslarida qo'llayotgan boshlang'ich sinf o'qituvchilarining qiziqarli metodik va amaliy tajribalari bilan tanishasiz;
- pedagogik mahoratingizni takomillashtirish maqsadida mutaxassislar tavsiyalari va boshqa qimmatli ma'lumotlar orqali malakangizni oshirasiz hamda pedagogik xazinangizni boyitasiz;
- jurnal sahifalarida o'zingizning metodik materiallaringiz bilan ishtirok etish, boshlang'ich ta'lim sohasidagi kompetent shaxslarning munosabatini bilish imkoniyatiga ega bo'lasiz.



Hurmatli mushtariy! 2018- yil uchun obuna mavsumi davom etmoqda.

Obuna bo'lishga shoshiling!

Yakka tartibdagi obunachilar uchun nashr indeksi: 802
Korxonalar va tashkilotlar uchun nashr indeksi: 803

Manzil: 100000, Toshkent sh. Matbuotchilar-32.
Tel.: (0-371)233-72-28, 236-74-23.
E-mail: talim-uz@xtv.uz/Veb-sayt: bt-jurnal.uz

Куз фалсафаси

Куз — киш сари очилган дарча,
Пойандози — олтинтус япроқ,
Унга меҳрим бўлакча гарчи
Кўнгил ҳазин, юракда титроқ.

Умр фаслин баҳори — яшин,
Орзу йўли гарчи кўп йироқ.
Ҳаёт япроқлари хали ям-яшил
Сарғаяжак кези келган чоқ.

Саратон ҳам ўтар бир куни,
Кузак ташриф буюргай, бироқ
Бахтиёрман ўйга чўмдирсам,
Бамисоли олтинранг япроқ.

Дурдона НАМОЗОВА,
Косон хизмат кўрсатиш касб-хунар
коллежи ўқувчиси

Ma'rifat

ТА'СИ
ЕТУВЧИЛАР:


O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1015. Tiraj 33095.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Diraynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Hasan MO'MINOV.

Navbatchi:

Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 23.35 Topshirildi — 01.15

1 2 4 5 6